

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**НОСИРОВ ҚУДРАТ ПАЛВАННАЗИРОВИЧ**

**МАИШИЙ ТЕХНИКА ТЕРМИНЛАРИНИ ИНГЛИЗ  
ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ  
УСЛУБЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**

Мутахассислик: 5А 120201

Таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Иш кўриб чиқилди ва  
ҳимояга тавсия этилди  
Кафедра мудири  
Қамбаров. Н. М.

Илмий раҳбар:  
Ф.ф.н., доцент  
Муратова Э.Д

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2013 й.

Ташкент – 2013

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I боб. Термин тушунчасини ўрганишнинг назарий асослари</b>	
1.1. Термин – илмий-техник таржиманинг асоси сифатида.....	8
1.2. Маиший техника терминологик тизимининг шаклланиши.....	25
Биринчи боб бўйича хулоса.....	37
<b>II боб. Маиший техника терминларининг таржима хусусиятлари</b>	
2.1. Маиший техника терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг лексик муаммолари.....	39
2.2. Маиший техника терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш турлари ва услублари.....	50
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	61
<b>Хулоса</b> .....	63
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	67
<b>Глоссарий</b> .....	72

## Кириш

Давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеини белгиловчи асосий омил, бу унинг интеллектуал салоҳиятидир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ёшларга ҳозирги замоннинг энг илғор билимларини бериш, уларни давр талабига мос етук мутахассис қилиб тарбиялашда изчил ишлар олиб борилмоқда.<sup>1</sup> Шубҳасиз, бугунги турмушимизни маиший техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, йигирма биринчи асрга келиб ушбу соҳа анча илгарилаб кетди. Шунинг баробарида ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати ҳам кучаймоқда. Бугунги глобаллашув шароитида бошқа чет эл брендлари маҳсулотларининг экспорт даражаси ҳам кенгайиб, маиший техника воситаларига тегишли атама ва терминларнинг бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш жараёни ҳам такомиллашмоқда. Хусусан, бу соҳада инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинаётган материаллар кўлами ҳам сўнгги ўн йилликда сезиларли даражада ортиб бормоқда. Сабаби истеъмолчиларга тақдим этилаётган маҳсулотларга тегишли ҳужжатлар қонунчиликка биноан албатта миллий тилда ҳам ифодаланиши талаб этилади. Ушбу жараён такомиллашгани сари маиший техника соҳасидаги терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржимаси ҳам ўз ечимини топиб, ривожланиб бормоқда.

Ушбу илмий-тадқиқот ишида маиший техника терминларининг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари ва услублари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, терминнинг илмий-техник таржимада тутган ўрни ва аҳамияти, терминнинг шаклланиш жараёнлари хусусида маълумотлар берилади.

Таъкидлаш лозим, маиший техника терминлари, умуман олганда техник терминлар ҳали тилимизда мукамал ифодасини топмаган; кўплаб техникага

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент-2010.

оид атамалар тилимизга рус тили орқали билвосита таржима қилинган ва қилинмоқда. Инглиз тилидаги техник терминларни таржима қилишда рус тилининг восита сифатидаги ўрнини белгилаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, смарт-технологияларнинг такомиллашуви натижасида инглиз тилидан бевосита ўзлашаётган терминлар кўлами ҳам анча кенг (блендер, тостер, HD, USB).

**Мавзунинг долзарблиги.** Ушбу тадқиқот ишида маиший техника терминларининг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари ва услублари қисқа баёнда ёритилади. Бинобарин, инглиз ва ўзбек тиллари доирасида маиший техника терминологияси чуқур ўрганилмаган ва бу борадаги муаммолар ўз ечимини кутиб келмоқда. Мазкур соҳадаги терминларнинг таржима сифатини ошириш соҳадаги турли муаммоларга ечим топиб, айниқса, маиший техника воситаларининг ажралмас қисми саналган «Фойдаланиш йўриқномаларини» истеъмолчиларга аниқ ва тушунарли тилда етиб боришини таъминлайди. Бу эса маҳсулотнинг тўғри ва самарали ишлатилишига туртки берибгина қолмай, истеъмолчиларнинг хавфсизлигини ҳам маълум даражада кафолатлайди. Шу мақсадда мазкур тадқиқот ишининг мавзуси долзарб ва фойдали ҳисобланади. Бинобарин, термин моносемик характерга эга бўлиб, адекват ва аниқ таржимани талаб қиладиган лингвистик элемент саналади.

**Тадқиқот мақсади.** Маиший техника терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари ва услубларини аниқлаш, соҳадаги терминологик қатламнинг қамров даражасини ўрганиш, соҳадаги терминларнинг ўзига хос хусусиятлари, ономастик ва лингвистик жиҳатлари, шунингдек, уларнинг транскрипцион ва транслитерацион белгиларини тадқиқ қилиш мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Тадқиқот ишида термин тушунчасига алоҳида ёндашилиб, унинг маиший техника соҳасидаги аҳамияти баён этилади. Жумладан, соҳа

терминологиясининг таржима хусусиятлари инглиз ва ўзбек (қисман рус) тиллари доирасида таҳлил этилади.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Маиший техника терминларининг таржима услларини аниқлаш;
- Соҳа терминларининг структур қўламини ўрганиш;
- Соҳа терминларининг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммоларини таснифлаш, таржима услубларини таҳлиллаш;
- Соҳа терминларини таржима қилишда лингвистик трансформациялар аҳамияти кўрсатиш;
- Соҳадаги терминлар, шунингдек, турғун ибораларни белгилаш ва таснифлаш;
- Соҳа терминларининг транскрипцион ва транслитерацион хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти.** Ўзбек ва инглиз (қисман рус) тилидаги маиший техника термин ва атамалар, турғун иборалар мазкур тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади. Шунингдек, соҳадаги терминларни инглиз тиладан ўзбек тилига таржима қилиш хусусият ва усулларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Тадқиқот предмети.** Маиший техника воситалари тизимидаги терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш хусусиятлари тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Мазкур илмий-тадқиқот ўзбек тилида шаклланган ишида «маиший техника» тизимига оид терминлар қисман инвентаризация қилинди; тизимдаги лексикалар морфологик ва семантик жиҳатдан таҳлил қилинди, уларнинг шаклланиш босқичлари ўрганилди, экстралингвистик омиллар, шунингдек, терминлар тузилишига таъсир қилувчи ички ва ташқи хусусиятлар тадқиқ этилди. Шу жумладан, ушбу

тизимдаги терминларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш усуллари ва муаммолари атрофлича таҳлил қилинди.

**Тадқиқот методлари.** Ушбу тадқиқот ишнини амалга ошириш мақсадида қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, лексико-семантик таҳлил ва структур таҳлил методлардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти.** Лингвистик ва экстралингвистик омиллар асосидаги икки тил доирасида «маиший техника» тизимидаги терминлар қиёсий жиҳатдан таҳлил этилди. Шунингдек, ишда тизимдаги термин ва субтерминларнинг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари ўрганилди. Ишнинг натижалари мазкур соҳадаги терминларни гуруҳлаш, уларни мавзули системаларга ажратиш, яхлит терминларни аниқлашга имкон беради. Шунингдек, ишнинг натижалари тизимнинг кейинги ривожланиш босқичларини янада аниқроқ прогноз қилишга туртки беради.

Бундан ташқари, ўзбек тилида қиёсий жиҳатдан ўрганилган мазкур терминологик тизим таржима назарияси асослари учун ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу илмий хулоса ва натижалар илмий мақола ва тезислар ёзишда, илмий-техникавий таржима фанларида кенг қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Ишнинг натижалари бугунги кунда ҳали такомиллашмаган «маиший техника» тизимидаги терминларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишга имкон беради, уларнинг самарали ва аниқ тарзда ишлатилишига замин яратади. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишида келтирилган терминлар лексикографик мақсадларда ҳам қўлланилиши мумкин.

**Магистрлик диссертациясининг тузилиши.** Ушбу тадқиқот иши кириш, иккита боб, боблардан кейинги хулосалар, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва глоссарийдан ташкил топган.

**Биринчи бобда** термин илмий-техник таржиманинг асоси сифатидаги аҳамияти ҳамда маиший техника терминологик тизимининг шаклланиши

тўғрисида сўз юритилди. Термин илмий техник таржиманинг асоси сифати таҳлил қилинади. Терминология муайян фаннинг тушунчалари тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминлар жами сифатида таърифланади.

**Иккинчи бобда** илмий-техникавий таржиманинг бир қисми бўлган маиший техника терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари ва услубларига бағишланди.

Хулосаларда илмий ишнинг умумий натижалари ёритилган.

# **I БОБ. ТЕРМИН ТУШУНЧАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Термин – илмий-техник таржиманинг асоси сифатида**

Техник тараққиётнинг жадал ўсиши натижасида параллел равишда унга доир терминология ҳам шаклланиб борди. Шунинг учун соҳага оид атама ва терминларнинг мавжуд моҳиятини англаш, унинг ифодалаётган маъносини тушуниш учун терминларнинг лингвистик асосини билиш керак. Ўзбек тилида махсус сўзларга нисбатан «термин» ва «атама» сингари тушунчалари қўлланади.

Шунга кўра, ишимизда аввалдан истемолда бўлган байналмилал «термин» ва «терминология» лексемаларини қўллашни лозим топдик.

1. Янги ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ янги тушунчаларни ифодаловчи ўз ва ўзлашган қатламга оид атамалар ўзбек тили луғат жамғармасидан мустаҳкам ўрин эгаллади (биржа, маклер, дилер, менежмент, аудит, фермер, рақобат, сармоя, мулкчилик каби).

2. Ўзбек тили лексикасида эквиваленти бор бўлган айрим янги терминлар маълум муддат ўтгач, яна эскиларига ўрнини бўшатиб берди (жумхурият-республика, тайёрагоҳ-аэропорт, дорилфунун-университет, олийгоҳ-институт, минбаргоҳ-кафедра каби).

3. Айрим янги атамалар муқобил бирликларининг ўрнини бутунлай эгаллади (вилоят-область, туман-район, вазир-министр, муҳандис-инженер каби).

4. Бир қисм атамалар муқобил бирликлари билан мутлоқ синонимлар сифатида кенг қўлланилмоқда (тилшунослик-лингвистика, луғатшунослик-лексикография, шеърят-поэзия, шакл-форма, атама-термин каби).

Терминлардаги синонимия, кўп маънолилик сингари ҳолатлар тилда ижобийлик саналмайди. Чунки атамалар, айниқса, фан-техникага оид бўлса, ҳар вақт таърифланган айни бир тушунчани ифодалайди. Қатъий таърифга

эга битта тушунчанинг икки ёки ундан ортиқ сўз билан ифодаланиши хоҳ илмий-назарий жиҳатдан бўлсин, хоҳ таълим жараёни нуқтаи назаридан бўлсин ҳеч қандай амалий аҳамият касб этмайди. Аксинча, чалкашликларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирда дублет ҳолида қўлланаётган атамалар вақт ўтиши билан юқоридаги таснифнинг иккинчи ёки учинчи қисмида бўлганидек, янги атама эскисига ёки эски атама янгисига ўрнини тўлиқ бўшатиб бериши керак. Негаки, масалага синергетика (юнон. синергос – бирга ҳаракатланувчи) қонунлари асосида қаралса, бунинг имкони борлиги кўринади. Унга кўра тил система сифатида хаос ҳолатидан жорий қонунлар асосида қайта шаклланиш ва турғун структура вазиятига ўтиш имкониятига эга. «Синергетика» (Москва, 1980) китобининг муаллифи Г.Хакеннинг<sup>2</sup> таъкидлашича, бунинг иккита шарти бор:

1. Система очик бўлиши керак, яъни ташқи муҳит (масалан, ўзга тиллар) билан алоқада бўлсин.

2. Системадаги компонентлар миқдори белгиланган минимумдан ортиқ бўлиши керак (масалан, хабар майли, ижро майли, аниқлик майли). Чунки уларнинг ўзаро таъсири натижасида умумий тартибли ҳаракат юзага келади<sup>3</sup>.

Гарчи, чет эл тилшунослигида термин назарий жиҳатдан нисбатан тўлиқроқ ўрганилган бўлса ҳам унинг таърифи, термин ва термин бўлмаган сўзларнинг бир-биридан фарқланувчи белгилари, терминнинг таркиби (унинг нечта элементдан иборат бўлиши сингари масалалар) ҳали охиригича ўрганилган ва ҳал қилинган, дея олмаймиз. Бу ҳол тўлалигича ўзбек тилшунослиги ва терминологиясига ҳам тааллуқлидир.

«Термин» тушунчасига юкланган мазмун қуюдагича белгиларга асосланадики, булар терминларни умумистемолдаги сўздан фарқланиш учун етарли, деб ўйлаймиз:

---

<sup>2</sup> Г.Хакен. «Синергетика» Москва. 1980

<sup>3</sup> Шухрат Қаҳҳоров. Мақола “Атамалар синонимияси ва лексик меъёр” – <http://www.ziyonet.uz/ru/>

1) Термин умумадабий тилнинг махсус вазифа бажарувчи бир тури бўлмиш ишлаб чиқариш, фан ва техника тилига мансуб лисоний бирлик, бир сўз ёки бирикмадир.

2) Термин-конкрет нарсаяпредмет, ашё, мавҳум тушунчаларнинг махсуслаштирилган номидир.

3) Термин учун муайян тариф (дефиниция) зарурийдирки, унинг ёрдамида тегишли тушунча мазмунини аниқроқ ифодалаш, тушунчанинг бирини иккинчисидан чегаралаб ажратиш имконини берувчи, айна маҳалда маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга йўл қўювчи, фарқловчи белгиларини равшанроқ кўрсатиш мумкин<sup>4</sup>.

Демак, терминология муайян фаннинг тушунчалари тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминлар жами сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизимлар фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Терминлар умумистемолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб уларнинг қўлланиши маълум даражада назорат остида бўлади. «Терминлар пайдо бўлиб қолмайди», аксинча, уларнинг зарурияти анланган ҳолда «ўйлаб топилади», «ижод қилинади». Шунингдек, оддий сўздан фарқли равишда, терминнинг маъноси контекстга боғлиқ бўлмайди, муайян лексема терминологик маносида ва ўз терминологик майдонида қўлланар экан, айна мано сақланиб қолаверади, бироқ кўп маъноли терминларнинг аниқ маъносини ажратиб олиш учун контекстнинг зарурлиги шубҳа туғдирмайди.

Юқорида терминшуносларнинг терминнинг асосий вазифаси ва хусусияти ҳақидаги, яни терминларнинг номинотивлиги ёки дефинитивлиги ҳақидаги фикрини келтирдик.

---

<sup>4</sup> Шухрат Қаҳҳоров. Мақола “Атамалар синонимияси ва лексик меъёр” – <http://www.ziyounet.uz/ru/>

«Терминологик бирикмаларнинг кўп лексемалилиги, яъни улар компонентларининг сони нечтагача бўлиши кейинги йилларда терминшуносларнинг диққат- этиборини жалб этиб келмоқда<sup>5</sup>».

Ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда миқдоран ортиб бораётган кўп компонентли бирикма терминлар тушунча мазмунини тўлароқ ифодалашга хизмат қилсада, уларни амалда қўллаш ва эса сақлаб қолиш анча ноқулайдир. Аслини олганда, бундай терминлар икки, нари борса уч, тўрт компонентдан иборат бўлиши лозимки, натижада, бирикма терминларнинг компонентлари, тегишли белгиларни тўлароқ акс эттириш мақсадида, аниқловчилар, сифатдошли ўрамлар қўшиш орқали ҳосил қилиниши даркордир. Бу тушунчани ифодалашнинг дастлабки босқичига хос ҳолат бўлиб, кейинчалик тушунча ҳақида муайян тасаввур юзага келгач, у қадар аҳамиятсиз белгиларни ифодалаган компонент (сўз)лар қисқартирилиши, бинобарин термин ихчамроқ ҳолга келтирилиши мумкун. Бироқ бу жараён бошбошдоқлик, таваккалчилик асосида эмас, балки маълум қоидалар асосида онгли равишда амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, терминлар масаласи билан шуғулланган деярли барча олимлар мазкур тушунчанинг тарифини беришга уруниб кўришган. Уларнинг барчасини эмас айримларини, ҳам намуна тариқасида келтириб ўтиш кўплаб саҳифани эгаллаган бўларди. Шунинг учун уларни жамулжам этган ҳолда «термин» тушунчасига қуюдагича таъриф бериш мумкин:

Термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуктаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёхуд бирикмадир.

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Чунки ҳар бир соҳанинг, тармоқнинг термини борки, у ўша соҳа, тармоқ доирасида қўлланилади, аниқроқ қилиб айтганда,

---

<sup>5</sup> Шухрат Қаҳҳоров. Мақола “Атамалар синонимияси ва лексик меъёр” – <http://www.ziyounet.uz/ru/>

касб-хунар эгасининг нутқини шакиллантиради, ўзаро нутқий муомала учун шарт-шароит яратади.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, муайян касб-хунар ёхуд мутахассисликка эга бўлган кишилар кўпинча у ёки бу соҳанинг ўзига хос специфик терминлари билан иш кўради. Масалан, бўлажак иқтисодчиларнинг ёзма ёки оғзаки нутқда картел, клиринг, товар айирбошлаш, майда мулкчилик, маблағ ажратиш, рента каби тор доирадагина қўлланиладиган терминлар ишлатилиши табиий бир ҳолдир. Ўз-ўзидан аёнки, бу ҳилдаги терминлар иқтисодиётдан узоқроқ бирор касб эгасининг нутқида ишлатилмайди. Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасининг қатор терминлари ҳам борки, улар муайян тил эгаларининг деярли барчаси нутқида баравар ишлатилаверади.

*Бозор, мол, савдо, савдо-сотик, пул, ҳаридор, бозорчи, олиб-сотар, чайқовчи* кабилар шулар жумласидандир.

Такидлаш лозимки, нафақат иқтисодиёт балки фан-техника, ишлаб чиқаришнинг хилма-хил соҳа ва терминлар мажмуи, яни йиғиндиси терминология деб аталади. Масалан, математика терминологияси, тиббиёт терминологияси, иқтисодиёт терминологияси ва бошқалар.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида терминларни ўрганиш, уларни тартибга солиш, терминологик луғатлар тузиш каби чора тадбирлар ХХ асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошланган. Зеро, айрим лексикографик ишларни ҳисобламаганда, ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш, ҳозирги ўзбек тилшунослигининг фан сифатида юзага келиши ҳам шу даврдан бошланган. Албатта, терминларни ўрганиш эҳтиёжи ўз-ўзидан келиб чиққан эмас, барча билим соҳалари бўйича ўзбек тилида таълим беришни йўлга қўйиш билим соҳаларининг сезиларли даражада ривожлана бориши илмий тафаккур доирасининг кенгайиши собиқ иттифоқдаги миллий тиллар, жумладан ўзбек тили луғат таркибининг бойиб бориши, бинобарин тилда

терминларнинг кўпайиб бориши уларни ҳар томонлама ўрганиш ва тартибга келтириш тўғрисида бўлган эди.

Турли фан соҳаларига мансуб терминлар ўзбек тилшунослигида дастлаб, яъни 20-30-йилларда, аксар ҳолларда соф амалий мақсадларни кўзлаб ўрганила бошланган эди. Тўғри, бу даврда терминнинг хусусияти, у ёки бу терминни қандай қўллаш русча байналмилал ва арабча, форсча ёки умумтуркий ислоҳларнинг афзаллиги ҳақида қатор мақолалар, айрим рисоалар эълон қилинган.

Бироқ бундай ишлар ўша даврдаги кескин мафкуравий, сиёсий кураш руҳи билан ҳамоҳанг боғлиқ бўлганлиги натижасида терминология, умуман, тил масалаларининг тилшунослик нуқтаи назардан ҳал этилишида қатор хатоларни келтириб чиқарган эди. Шундай бўлса-да, бу даврда терминларни кўпроқ амалий жиҳатдан ўрганишга, фан соҳаларига доир айрим бир тилли, кўп тилли терминологик луғатлар яратишга киришилди.

Ўзбек тилшунослигида турли фан соҳаларига оид терминологик тизимларни лингвистик жиҳатдан ҳар томонлама ҳам илмий, ҳам амалий ўрганиш урушдан кейин, асосан, 50-йиллардан кейин изчилроқ тус ола бошлади; термин ва терминологиянинг назарий масалаларига бағишланган мақолалар айрим фан соҳалари терминларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишга бағишланган номзодлик диссертациялари юзага келди, мукамал терминологик луғатлар яратишга киришилди. Ҳозирги даврда ўзбек тилшунослигида турли фан соҳалари терминлари жадаллик билан ўрганилмоқдаки, бу фан соҳаларининг янада ривожланиши ва уларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши даражаси билан, бинобарин, терминларнинг ривожланиши ва бойиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбек тилшунослигида терминларни атрофлича тадқиқ этиш билан уларни тартибга солиш ва барқарорлаштириш сингари амалий масалаларга бағишланган қирққа яқин номзодлик диссертациялари ёқланди, кўплаб монография ва юзлаб илмий-назарий мақолалар нашри эълон қилинди, юзга

яқин терминологик луғатлар чоп этилди. Терминшунослардан С. Иброҳимов, У. Турсунов, О. Усмонов, Н. Маматов, С. Ақобиров, Р. Дониёров, Ҳ. Жамолхонов, Н. Қосимов, Д. Базарова, А. Қосимов, А. Мадвалиев ва бошқалар ўз илмий маҳсулотлари амалий тавсиялари билан ўзбек терминологиясининг ривожига у ёки бу даражада ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар. Сўнги йилларда ва бугунги кунда терминологиянинг амалий ва назарий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш, термин қўллашни тартибга солиш давлат аҳамиятидаги масалага айланди. 1984-йилда, Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми қошидаги Республика Муассасалараро терминологик комиссия (РМТК) нинг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Республика терминология қўмитасининг иш бошлаши, терминология масалаларига бағишлаб Республика терминология қўмитасининг иш бошлаши, терминология масалаларига бағишлаб Республика миқёсида бир неча илмий-амалий, илмий-назарий конференцияларнинг ўтказилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Муҳими шундаки, РМТК ўз фаолияти давомида «Ўзбек тили терминологияси» номли бюллетен нашр этишни йўлга қўйди, унда ўзбек тили терминологиясининг долзарб масалаларига бағишланган қатор мақолалари билан бирга, ҳар бир қўлланивчи терминларнинг рўйхати ҳам бериб борилади.

Такидлаш лозимки, АТАМАКЎМ кейинги йилларда ўзбек тили терминологияси тизимларини барқарорлаштириш ва терминларни ҳар хиллигига чек қўйиш борасида кўп ишлар амалга оширди, бошқача қилиб айтганда, республикамизда терминология масалаларини ҳал этиш жонлантириб юборилди. Хусусан, унинг ташаббуси билан терминларни номлаш принциплари ишлаб чиқилди ва эълон қилинди.

АТАМАКЎМ мана шу принципларга суяниб, илм-фан, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига оид терминологик луғатлар сериясини чиқариб бошлади.

70-80-йилларда ўзбек тили терминологиясини ўрганишга қизиқиш анча жонланди. Бунинг боиси бор албатта. Гап шундаки, айти шу вақтга келиб, терминлар борасида хилма-хил фикрлар бир қадар жиддий тус ола бошлади. Бунинг устига 70-80-йилларгача терминологик масалаларга жиддий эътибор берилмаган эди. Ваҳоланки ўзбек тилининг терминологик тизимларини ўрганмасдан туриб, терминологиянинг умумназарий масалаларини ечиш мумкун эмас. Шу боисдан, ўзбек тилининг турли соҳа терминологик тизимлари тадқиқотлар объекти бўла бошлади. Мана шундай ишлар жумласига Н. Дадабоев, А. Қосимов, Ҳ. Шамсиддинов, А. Мадвалиев, Н. Икромов ва бошқа олимларнинг номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин.

Муҳими шундаки, кейинги йилларда ўзбек тилининг тизимларини ўрганишга бағишланган докторлик диссертациялари ҳам юзага келди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, турли соҳаларга доир терминлар лингвистик жиҳатдан муфассал ўрганилган, уларни тартибга келтириш юзасидан муайян тавсиялар ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳали ўзбек терминологиясининг умумназарий масалалари борасида яхлит бир монография юзага келмаган. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, мавжуд терминологик тизимнинг ўзбек тилидаги шаклланиши, ривожланиши ва бойиб бориши бир хил даражада эмаслиги бўлса, иккинчидан, баъзи фан соҳалари терминологияларининг ҳалигача яхши ёки умуман ўрганилмаганидир. Ўзбек тилининг деярли ўрганилмаган терминологик тизимлардан иқтисодиёт терминологиясидир. Шунини айтиш керакки, тилда анъанавий тарзда қадимдан сақланиб келаётган иқтисодий атамалар билан замонавий иқтисодий терминлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Қадимги иқтисод атамаларининг миқдори анча чекланган бўлса, ҳозирги янги давр,

яъни бозор иқтисодига ўтиш даврида иқтисод терминларига эҳтиёж ортиши муносабати билан иқтисод терминлари беқиёс бойиб бормоқда.

Ўзбек тилининг иқтисодий терминларини ҳам тўплаш, системалаштириш, илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва шу асосда бу терминологик тизимни имкон борича тартибга солиш зарурати туғилди.

Тилшуносликда терминологик тизимнинг шаклланиши ва амалиёти муҳим масалалардан бири саналади. Замоनावий тилшуносликда нафақат турғун, амалдаги термин ва атамаларнинг ўрганилиши, балки янги терминларнинг шаклланишига сабаб бўладиган омил ва шароитлар, унинг лексик бирлик сифатидаги белгилари, семантик аҳамиятини тадқиқ қилишдан иборат. О.А.Корнилованинг ёзишича, дунёнинг илмий тушунчаси «фан тилида», аниқроғи, ҳар бир фаннинг тилида ифодаланган. Муайян фан тилидаги ядро эса, шубҳасиз, унда қўлланадиган терминлар, яъни илмий тушунчалар ва категориялар ифодаланадиган лексик-семантик бирликлардир.<sup>6</sup> Шунинг учун дунёнинг илмий манзараси фан терминларида мустаҳкамланган, деб хулоса қилиш мумкин»

Терминолексика ва умумишлатилувчи сўзлар орасида ўзаро таъсир мавжуд бўлса-да, айнан махсус атамалар техник тараққиёт тарихида муҳим аҳамият касб этади.

Терминлар махсус соҳалардаги билим ва тажрибаларни фиксация қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Бинобарин, ўрганилган кўникма ва тажрибаларни фақатгина муваффақиятли етказиш орқали соҳадаги давомли ривожланишни таъминлаш мумкин.

Терминологик кўламнинг илмий-техник таржимадаги амҳамияти тўғрисида сўз юритишдан аввал «илмий-техник таржима» атамасига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Интернет тармоғидаги таржимашунослик луғатида ушбу иборага қуйидагича таъриф берилган:

---

<sup>6</sup> О.А.Корнилова. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. М. 2003.

1. Илмий-техник мавзудаги махсус таржиманинг бир кўриниши;

2. Илмий-техник характерга эга бўлган ихтисослашган матнлар таржимаси бўлиб, бадиий таржимадан фарқли равишда махсус методлар ёрдамида амалга оширилади ва аниқлик, қисқалик ва тушунарлилик каби талабларга жавоб бериши талаб этилади<sup>7</sup>.

Таржима жараёнини биз бирор тилдаги матнни иккинчи бир тилдаги матнга трансформация қилиш, ўзгартириш деб таърифлаб ўтиш мумкин. «Демак, таржима жараёнида албатта иккита матн мавжуд бўлади (А.И.Смирницкий)»<sup>8</sup>. Булардан биттаси бошланғич, дастлабки матн ҳисобланади ва иккинчи матнга боғлиқ бўлмаган ҳолда яратилади. Иккинчи матн эса биринчи матн асосида маълум услубий-лисоний операциялар, ишлар бажариш йўли билан вужудга келади. Биринчи матн асл матн ёки оригинал нусха деб айтилса, иккинчи матн таржима матни ёки таржима деб аталади («таржима» сўзининг биринчи маъносида)<sup>9</sup>.

Таржима жараёнини ўрганадиган фан таржимашунослик ҳисобланади. «Таржимашунослик таржима жараёни, унинг қонуниятлари, аслият ва таржима матнлари устида олиб борилаётган кузатишларни умумийлаштириш, системалаштириш орқали икки тил орасидаги мувофиқликлар даражасини, уларнинг ўзига хос хусусиятлари моҳиятини очиқ беришга йўналтирилган филология соҳасидир<sup>10</sup>».

Таржима назариясини умумий, хусусий ва махсус назарияларга ажратиш таржимашунослик соҳасида умумэътироф этган қоидалардан биридир. Таржиманинг умумий назарияси таржима жараёнининг универсал қонуниятларини, жанрий талаблардан қатъи назар, тиллараро, стилистик, вазилавий мувофиқликларнинг асосларини ўрганса, хусусий назария конкрет бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятларини

<sup>7</sup> [http://perevodovedcheskiy.academic.ru/911/научно-технический\\_перевод](http://perevodovedcheskiy.academic.ru/911/научно-технический_перевод)

<sup>8</sup> А.И.Смирницкий. Морфология английского языка / Под ред. В. В. Пассека. М.: ИЛ, 1959. Стр.56

<sup>9</sup> Аллаёрова Р.Р. Таржима назарияси ва амалиёти фанидан маъруза матн. Урганч. 2008 й.

<sup>10</sup> <http://sirojiddinov.blogspot.com/2011/11/blog-post.html>

ўрганади. Махсус назария эса, таржиманинг жанрий-стилистик хусусиятларига кўра бўлинган турларининг ўзига хос қонуниятларини ўрганади. Таржима ўзининг жанрий-стилистик хусусиятига кўра икки турга бўлинади. Бири соҳавий (илмий, техник, публицистик ва ҳоказо) таржима тури бўлса, иккинчиси бадиий (шеърӣ, насрий) таржимадир. Бадиий таржиманинг бошқа таржима турларидан фарқи шундаки, унинг бош вазифаларидан бири бадиий адабиёт намуналаридаги коммуникатив таъсирнинг ёрқин кўринишларидан бири бўлган бадиий-эстетик завқни узатиш саналади.

Айниқса, тил ва матн инсон маънавий ҳаётини акс эттирувчи кўзгу сифатида таржима назарияси ва матншунослик фанининг чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Матннинг бир неча таърифлари мавжуд. Матншунос олимлардан бири Л. Лосева матннинг қуйидаги уч белгисини кўрсатиб ўтади<sup>11</sup>:

- 1) матн – бу, ёзма шаклдаги ахборот;
- 2) матн мазмунӣ ва структуравӣ тугал кўринишга эга;
- 3) матнда муаллифнинг тақдим этилаётган ахборотга муносабати ўз аксини топади (муаллиф ёндашуви)<sup>12</sup>

Ушбу юқоридаги шарҳлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илмий-техник таржимада муаллифнинг тақдим этилаётган ахборотга муносабати яққол тарзда ўз аксини топмаса-да, у тугал ва аниқ шаклда бўлиши лозим.

Илмий-техник таржима, аниқки, турли белгиланган терминлар доирасида иш кўради. Чунки бу каби таржима тури ортиқча пафосдан холи бўлиши, нейтрал, шунингдек, тақдим этилаётган маълумотни моносемик термин ва атамалар ёрдамида узатиши талаб этилади. Чунки техник таржимада асосий ўринни концепт эмас, балки аниқ, муайян, битта маъногагина эга бўлган ва маълум термин билан ифодаланувчи лексемалар

---

<sup>11</sup> Лосева Л. М. Как строится текст. М., 1980 с.4


<sup>12</sup>Ўша асар.

эгаллайди. Баъзида бу каби матнларда сўз ва сўз бирикмалари ишлатилса-да, улар ҳам турғун шаклга эга бўлган ва битта тушунча ёки ҳолатни ифодалашга хизмат қилади. Бинобарин, сўз бирикмалари билан берилувчи тушунчалар инглиз тилида кўп кузатилади. Бу ҳолат албатта ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида юқори диққат ва таржимадига аниқликни талаб қилади.

Терминологик лексика матн таркибини лўнда, аниқ ва қисқа равишда тузиш ва шу ўринда таржима қилиш имконини беради. Шунинг учун термин илмий-техник матннинг асоси ҳисобланади. Инглиз тилида кўплаб илмий-техник терминлар чет тилларидан ўзлашган (ўзбек тили учун ушбу ҳодиса хос) ёки олимлар томонидан лотин ёки юнон тилларидаги маълум сўзлар билан номланган. Чунки техник тараққиётнинг кескин тарзда ривожланиши соҳага тегишли тушунчаларни аниқ атамалар билан номлашни тақозо этган. Масалан, 1830 йилда янги инерт газни кашф этилиб, унга *paraffin* деб ном берилиб, у лотинча *parum affinis* (мас келмайдиган) сўзидан олинади. Шу тарзда баъзи терминлар оммалашиб, умумодабий лексикага ҳам киришга муваффақ бўлади. Улар қаторига *dynamo, barograph, ozone, centigrade, cereal, gyroscope, sodium, potassium* киритиш мумкин.

Ёхуд илмий-техник соҳада битта махсус маънони англатадиган инглиз сўзлари ҳам фаол тарзда ишлатила бошлади. Масалан бундай сўзларга *jar* – *қумгон ва конденсатор, to load* – *юклаш ва зарядлаш ва ҳ.к.з.*

Шунингдек, бир сўзнинг илм соҳаларига қараб турли махсус маънолари қўлланилиши ҳам кузатилади. Дейлик, *pocket* – *чўнтак* сўзи қуйидаги махсус маъноларни билдириши мумкин:



Структур жиҳатдан терминларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- Бир компонентли терминлар (*oxygen, velocity, resistance* – *кислород, тезлик, резистор*)

- Кўп компонентли терминлар ёки таркибий терминлар. Бундай терминлар инглиз тилида кўпинча қўшимча унли ёрдамида ҳосил қилинади. Масалан *gas + meter = gasometer*. Ёки бирор товушни тушуриб қолдириш ҳолатлари ҳам кузатилади: *turbine+generator = turbogenerator*.

- Таркиблари лексик жиҳатдан ўзаро боғланган сўз бирикмалари, масалан, *taking off weight* – *учиш массаси*, *barium peroxid* – *барий оксиди*. Баъзан аниқланаётган элемент сўз бирикмаси билан ифодаланади. Мисол учун, *low-noise-engine* – *кам шовқинли двигатель* ва ҳ.к.з.

- Кўп ҳолатларда техник термин ва атамалар аббревиатура, яъни қисқартмалар билан ҳам ифодаланади: *e.m.f.* – *electromotive fore* – *электроҳаракатлантурувчи куч*; Ёки бирикманинг бирор қисмигина қисқартирилиши мумкин: *D.C. amplifier* – *Direct current amplifier* - *доимий ток кучайтиргичи*;

- Бирор сўз бирикмасининг бўғинли қисқартмаси – *loran* (*long range navigation*– *узоқ навигация тизими; radar* (*Radio detection and ranging* – *радиолокация*).

- Баъзида шаклни билдирувчи ҳарфлар ҳам терминнинг қисми сифатида ишлатилади: *T-Antenna* (*T шаклидаги антенна*). Ёки хусусиятни билдирувчи ҳарфлар: *X-rays* – *рентген нурлари*.

Илмий-техник матнларни таржима қилиш вақтида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин: а) Байналмилал характерга эга бўлган терминлар. Улар транслитерация йўли билан узатилиб, кўп ҳолларда таржимага муҳтож бўлмайди: *antenna*- *антенна*, *smartphone*- *смартфон*, *grill* –*грилл*.

б) Баъзи терминлар ўзбек тилида ўз муқобилларига эгадир: *hydrogen* – *водород*; *tailplane* – *самолёт думи*. в) инглиз тилидаги сўзларни сўзма-сўз тарзда узатувчи сўз бирикмалари келтирилади: *single-needle instrument* – *бир ўқли асбоб*; *superpower system* – *юқори қувватли тизим*. г) Кўп ҳолларда луғатда инглиз тилидаги терминнинг муқобили келтирилмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда таржимон мазкур контекстдаги маънони ифодалайдиган тасвирий таржимани амалга ошириши мумкин. Масалан: *carbon-fibre-reinforced plastic* – *ойнали материал билан кучайтирилган пластик*; *inflammable materials* –*тез ёнувчан материаллар*. Терминларни таржима қилиш вақтида бошқа тиллардаги сўзларни ишлатмаслик тавсия этилиб, кўпроқ ўзбек тилидаги муқобилларга мурожаат этиш ижобий эканлиги таъкидланади. Масалан, айти вақтда баъзи матбуот матнларида инглизча *industry* сўзи *индустрия* (эътибор беринг яна русча талаффузда) деб таржима қилингани кузатилмоқда. Ваҳоланки, унинг ўзбек тилида *саноат* деган аниқ муқобили мавжуд. Бинобарин, терминнинг асосий хусусиятларидан бири семантик кўламнинг аниқлиги экан, у контекстдаги оддий сўзга қараганда анчайин салмоқли мустақилликка эга.

Луғат ёрдамида инглиз тилидаги оддий терминларни (*slot, antenna, socket*) таржима қилиш таржимон учун катта қийинчилик туғдирмайди. Баъзи ҳолатларда битта инглиз термини ўзбек тилига бир нечта сўзлар, яъни вариациялар билан таржима қилинади. Масалан, *switch* –*включател, коммутатор*. Вариациялар орасидан тегишли ва контекст учун аниғини топиш учун бу ерда таржимондан ушбу техник соҳани яхши билиш талаб этилади.

Инглиз тилида илмий-техник соҳада кўплаб лингвистик воситалардан, хусусан, сўз ясалишидан фойдаланилади. Бу ҳолат ўзбек тили учун хос эмас. Бинобарин, инглиз тилида терминлар бир сўзнинг доирасида ўзгартирилса (префиксация, суффиксация), ўзбек тилида бу мақсадда бир нечта сўз ёки сўз бирикмаларидан фойдаланилиши мумкин. Қуйида инглиз тилида терминларнинг ясалиш тамойиллари ва услубларини келтирамиз:

**Префиксация** ёрдамида терминлар, асосан, инглиз тилида *-pre, inter, re, de, com, con, dis*, қўшимчали орқали ясалади ва бирор бир иш-ҳаракатнинг олдиндан бажарилганлиги ёки бажарилиши кераклигини билдириши мумкин.

1) *Pre-* ушбу префикс ҳаракатнинг олдиндан бажарилиш ҳолатини билдиради:

*Predesign* – *хомаки лойиҳа*; *Preload* – *Олдиндан бажарилувчи тортиш*.

2) *De* – префикси, асосан, инкор маъносида келади. а) *қуйиға, настға*. б) *фаолсизлик*. в) *узилиш*: *Derate* – *кўрсаткичларнинг тушиши*; *Deenergize* – *қувватни ўчириш*.

Шунингдек, инглиз тилида техник терминлар ясалишида бошқа қатор префиксацияга оид морфологик омиллар ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

**Суффиксация** ёрдамида инглиз тилида гапда от, равиш ёки феъл вазифасини бажарувчи терминлар ясалиши мумкин. Масалан, *-er, -or, -ent, -ant* каби суффикслар орқали маълум амални бажарувчи шахс, механизм ва агрегат ифодаланиши мумкин:

*to rig/ тажриба стенди*; *ускуна + er = rigger/йиғиш бўйича механик*.

*to combust /ёқиш + or = combustor/ёнилғини ёқиш мосламаси.*

Сўз охирига қўшилув *-ion, -ation, -ment, -ure, -age, -ence, -ance, -ing* суффикслари орқали феъллардан отга айланувчи маълум тушунчаларни англатадиган терминлар ясаши мумкин. Масалан, *to expose (таъсирга олмоқ) + ure = exposure (таъсир), to pass/ўтмоқ + age = passage/ газли канал (турбин двигатель)*

Бундан ташқари, *-ism, -ty, -ity, -ness, -ency, -ancy*, орт қўшимчалар ёрдамида сифатлардан янги терминлар ясалади. Масалан, *frequent/одатий + ency = frequency/частота (вақт бирлигида периодлар сони).*

Суффиксация ёрдамида, шу билан биргаликда, ўзакка турли қўшимчалар қўшиш орқали сифат сўз туркумидаги терминлар ясаши мумкин. Дейлик, *pole/қутб + ar = polar/ қутбга тегишли (орбита, координат).*

Юқорида келтирилган таржима моделлари доирасида ясалган сифат ва отлар орқали негиз сўзни билдирадиган маъносини тушуниш осонлашади. Мисол учун, «less» ва «ful» орт қўшимчалари бир-бирига қарама-қарши маъно касб этишини тушуниш таржимон учун муаммо туғдирмайди ва таржиманинг тўғри чиқишига имкон яратади.

Ўзлашма қатлам. Сўз ўзагига префикс ва суффикслар қўшиш ёрдамида турли терминлар яшадан ташқари бошқа тиллардан (асосан лотин ва грек) тўғридан-тўғри сўзларни ўзлаштириш билан ҳам маълум тилнинг терминологик қатлами кенгайиши мумкин. Алоҳида таъкидлаш лозимки, 17-асрдан бошланган техник тараққиёт таъсирида ҳозирги кунда муайян техник тушунчаларни ифодаловчи 50 фоизга яқин терминлар, асосан, лотин, грек ва француз тилларидан олинган. Қадимги Римда ҳозирги замонавий таксилар аналогига ҳисобланган «*hodometer*» (йўл ўлчагич) номли икки ўриндиқли кажавалар бўлган. Кажавалар ҳаракатлангач, уларнинг қанча йўл босганини кичик тошчалар ёрдамида ҳисоблаш мумкин бўлган. Шундай тошчалар лотин тилида «*calculus*» деб аталган. Айнан мана шундай сўзлар туфайли ҳозирги кундаги бир қанча терминлар юзага келган:

*differential calculus-дифференциал ҳисоблаш*

*integral calculus-интеграл ҳисоблаш*

*to calculate-ҳисоблаш.*

Ёхуд *mathematics* (математика) термини ҳам грек тилидаги «биринчи навбатда ўрганиш» деган сўздан келиб чиққан. Бинобарин, математика қадимги барча мамлакатларда ўрганилиши лозим бўлган асосий фан ҳисобланган.

**Кўшма сўз ясалиши** ёрдамида янги терминларнинг юзага келиши терминшуносликда, айниқса, муаммоли ҳодисалардан ҳисобланади. Албатта, бу ҳолатда ҳар икки кўшма сўзлар компонентлари ифодалайдиган маъно таржимон учун тушунарли бўлиши талаб этилади. Бу каби янги терминлар кўшма отлар ёки кўшма сифатлар орқали ясаиб, турлича морфологик шаклда бўлиши мумкин (бириктирувчи унли товушли/товушсиз ёки чизикча):

*air + lock = airlock-ажратувчи ҳаво камераси*

*propeller + fan = propfan-вентилятор*

*firm + ware = ҳисоблаш қурилмасининг блок дастури*

*failure + surviving = failure-surviving-бирламчи ишдан чиқишда иш ҳолатини сақловчи*

Аксарият ҳолларда кўшма сўзлар компонентларининг семантик маъноси бирламчи компонентдан фарқ қилмайди. Бироқ баъзи мустасно ҳолатларда терминларнинг семантик маъносини аниқлашда алоҳида эътибор талаб этилади.

## 1.2 . **Маиший техника терминологик тизимининг шаклланиши**

Бирор соҳага доир терминологик тизимнинг шаклланиш ва ривожланиш масаласи тилшуносликда муҳим ҳодисалардан саналади. Айни вақтда фойдаланишда бўлган турғун терминларни ўрганишдан ташқари, замонавий тилшунослик олдида турган яна бир аҳамиятли вазифалардан бири ушбу шаклланивчи терминларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаб, махсус лексик-семантик бирлик сифатидаги ролини белгилашдан ташкил топади.

Маиший техника терминологик гуруҳи ҳали махсус адабиётда ўзининг кўп аспекти ифодасини топмаган. Бироқ ушбу гуруҳдаги терминларнинг ўрганилишига асосий сабаб, уларнинг кўпчилиги инсон томонидан кундалик турмушда ишлатиладиган предметлар ёки уларнинг қисмларини билдиради.

Тарихнинг барча босқичларида инсон томонидан кундалик маиший турмушни янада такомиллаштириш, унинг қулайлигини ошириш ҳаракатлари кузатилади. Бундай ҳолат эса шахснинг онгий эволюциясига ижобий таъсир кўрсатган, албатта. С.В. Гринев-Гриневичнинг ёзишича «терминологик аппарат ўзгаришини таҳлил қилиш асосида назарий фикрлашнинг хусусиятлари ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, бу орқали маданиятларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳам ўрганиш мумкин бўлади»<sup>13</sup>.

«Маиший техника» тушунчаси йигирманчи асрда пайдо бўлишига қарамадан, унга тегишли терминларни тадқиқ қилиш ўн олтинчи асрдан бошланган. Бунга инсоннинг маиший турмушдаги юмушларни бажаришда ёрдам берувчи ва осонлаштирувчи механизмларни яратишидир. Электр токи кашф этилгандан кейин ўн тўққизинчи асрдан бошлаб мустақил тарзда маиший техника воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Йигирманчи асрга келиб бу соҳа алоҳида саноат йўналишига айланиб, унга тегишли давлат стандартлари ишлаб чиқилади (ГОСТ).

---

<sup>13</sup> Гринев-Гриневич С.В. Терминоведение. 2008, 10 б

Инглиз ва ўзбек тилларидаги маиший техника терминологик гуруҳининг шаклланишини таҳлил қилиш орқали ҳар қандай терминнинг юзага келиши ва муайян тизимга айланиши асосан икки омилга асосланади деб хулоса қилиш мумкин: экстралингвистик ва лингвистик. Л.В. Ивинанинг фикрича, тушунчалар ва терминлар йиғиндиси тегишли билим соҳаси ва шахс фаолиятининг ўзаро кесишувида тизимга айланиши мумкин.<sup>14</sup> Бошқа сўз билан айтганда, терминосистема ривожланишидаги динамик структура сифатида ўзининг такомиллашиш босқичида лингвистик жиҳатдан белгиланган тушунчалар йиғиндисини ташкил этади.

Шу ўринда тил ва дунёнинг лингвистик манзараси ўртасида алоқа ва корреляцияларни таъкидлаб ўтиш зарур. Негаки улар айнан лексик структуранинг ички ва ташқи шаклланишини белгилаб беради. Инсон онгида маданий тажриба натижасида тўпланган ва янги тушунча ва сўзларнинг келиб чиқишига асос бўладиган маълум бир манба мавжуд.

Инглиз тилидаги «маиший техника» терминологиясининг диахроник таҳлиliga кўра, ушбу лексема *kettle* (*чойнак*) сўздан олинган бўлиб, илк мартаба 16-асрдан учрай бошлаган. Ушбу лексема «*суюқликни қайнатиш ва иситиш мосламаси*» деган маънони англатган. Бугунги кунда бу сўз термин хусусиятини йўқотиб, кейинчалик пайдо бўлган *appliance* термини билан алоқадор ҳисобланади.

«1549-йилда ушбу терминологик гуруҳдаги энг қадимий гипероним - *machine* лексемаси юзага келади ва бир қатор тегишли терминларнинг шаклланишига асос бўлади: *answering machine, coffee machine, dishwashing machine, knitting-machine, sewing-machine* ва ҳ.к.з».

Тарихий луғатларга кўра 17-асрда мазкур терминогуруҳга бешта янги атама қўшилади: *apparatus* (*асбоб, восита, аппарат, машина*) - 1628-й, *device* (*асбоб, қуролма, аппарат, машина*) - 1665-й, *system* (*система*) – 1683-й, *coffee-mill* – 1691-й. Мазкур лексемаларнинг шаклланиши инсон

---

<sup>14</sup> Л.В. Ивина. Лингво-когнитивные основы анализа отраслевых терминосистем. М.2003.453б.

томонидан яратилган маиший курилмаларнинг номланиши ва таснифланиши зарурати туғилганлигини исботлайди.

1673-йилда *iron* термини келиб чиққанлиги ёзилади. Ушбу сўзнинг келиб чиқиши инсонларнинг маиший турмушни яхшилашга уринганлигини яна бир марта исботлайди.

18-асрда эса қуйидаги уч лексемаларнинг келиб чиқиши кузатилади: *equipment* (*аппарат, апаратура*), - 1714 й, *ventilator* (*вентилятор*) – 1743 й, *washing machine* (*қир ювиш машинаси*) – 1780 й.

Шу йўсинда 19-асрга келиб, «маиший турмушда ишлатиладиган восита ва мосламалар» тематик гуруҳи юзага келади. «*Совутиш техникаси*» тематик гуруҳининг ривожланиши *refrigerator* (*совутгич*), кейинчалик унинг қисқартирилган шакли *fridge* – 1935-й, *ice-cream freezer* (*музқаймоқ учун музлатгич*) – 1855-й, *freezer* (*музлатгич*) – 1874-й, *ice-box* (*совутиш камераси*) – 1885-й.

Мазкур асрнинг сўнгги йилларига келиб, «ошхона курилмалари», «кийимни ишловчи курилмалар» каби тизимдаги тематик гуруҳлар юзага келади ва қуйидаги сингари янги терминлар пайдо бўлади<sup>15</sup>:

*Coffee-grinder* -кофемолка;

*percolator* -кофеварка;

*squeezer* -шарбат сиқувчи мослама;

*sewing-machine* -тикув машинаси;

*stove* -плита;

*dishwashing machine* -идиш ювадиган машина;

*dishwasher* -идиш ювадиган машина;

*mixer* -миксер;

*roaster* -постер;

*cooker*-плита;

*gas-cooker* -газ плита;

---

<sup>15</sup> Петренко И.С. «Сопоставительный анализ формирования терминологии бытовой техники в лингвокультурологическом аспекте». Автореферат. Москва 2008.

*knitter* -тўқув машинаси;

*range* –плита;

*coffee machine* –кофеварка;

Бошқа соҳадаги терминларнинг келиб чиқишидан фарқли тарзда, маиший техника тизимида шаклланган терминлар шаклланиши муайян тарихий фактлар билан боғлиқ. Мисол учун 1830 йилда Александр Белл томонидан телефоннинг ихтиро қилинганлигини айтиб ўтиш мумкин.

19-асрнинг охирларида тизимда «аудиотехника» гуруҳи юзага келиб, бир қатор янги қурилмаларни ифодаловчи терминлар пайдо бўлади:

*Microphone*-микрофон;

*record-player* -граммофон, патефон;

*tape-recorder* -магнитофон;

*receiver* –приёмник;

Тадқиқ этилаётган терминологик тизимнинг ривожланиш тарихини 20-асрда кўплаб янги гуруҳлар ва мавжудларининг сезиларли кенгайиши билан ифодалаш мумкин. Бу ҳолат, албатта, мазкур даврда электр энергияси, электроника ва компьютер техникаси билан чамбарчас боғлиқдир. Экологик муаммоларнинг кучайиши ва янги қулайлик яратувчи мосламаларнинг кашф этилиши натижасида ушбу тизимда қуйидаги лексемалар юзага келади:

*Ionizer* -ионизатор

*air-conditioner* -кондиционер

*hair-drier* -фен

*air-cleaner*-ҳаво тозалагич

*fan-heater*-иситгич-вентилятор

Шу билан бир қаторда «аудиоаппаратура» терминологик гуруҳидаги лексемалар сони ҳам қескин равишда ортиб боради:

*Dictaphone* -диктофон

*Dictating machine* -диктофон

*Earphone – ear phone* -қулоқлик

*Acoustic enclosure* -акустик тизимли карнай

*Speaker* -карнай

*Ear-phone* -қулоқлик

Айниқса, тизимда маиший турмушда энг кўп қўлланиладиган қуйидаги терминлар мустаҳкам ўрин эгаллайди:

*Electric cooker* -газ плита

*Electric iron* -электр дазмол

*Electric kettle* -электр чойнак

*Electronics* -электрон аппаратура

*Electric roaster* -электр грилл

*Electric mincing machine* -электр гўшт майдалагич

*Electric razor* -электр устара

*Electric shaver* -электр устара

*Consumer electronics* -маиший электрон аппаратура

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, электр энергияси ва электрониканинг ривожланиши инсоннинг маиший ҳаётида янги-янги жиҳозларнинг яратилишига ва турмушнинг ажралмас қисмига айланиб боришига туртки беради. Табиийки, янги воситаларнинг пайдо бўлиши натижасида тизимда у ёки бу гуруҳдаги терминлар сони ҳам кўпайиб боради. Кундалик маиший тозалашни осонлаштириш натижасида тизимда «тозалаш асбоблари ва аппаратлари» тематик гуруҳи ҳосил бўлади:

*Vacuum cleaner* -чангютги

*Vacuum brush* -чўтка-чангютгич

*Shampooer* -шампунли тозалашга мўлжалланган

Айниқса, «ошхона аппаратураси» тематик гуруҳи ҳам кўплаб янги атамалар билан бойиди:

*Toaster -Тостер*

*Pressure cooker -Скороварка*

*Meat-chopper -гўшт майдалагич*

*Kitchen unit -ошхона комбайни*

*Sandwich maker -бутерброд тайёрлаш учун мослама*

*Food mixer -миксер*

*Mixer -Миксер*

*Shredder -майдалаги*

*Microwave oven -микротўлқинли печ*

*Ice-Cream mould -музқаймоқ сақловчи*

*Food processor -ошхона комбайни*

*Rice cooker -рисоварка*

Юқорида келтирилган терминлар, асосан, йигирманчи асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган бўлиб, бугунги кунда ушбу терминлар ҳам алоҳида тарзда тегишли гуруҳ ҳосил қилиб, бир нечта терминларни бирлаштиради. Тизимга тегишли терминлар – якка тарзда бирор маиший воситани англатса, шунингдек, улар гуруҳ ҳосиласи сифатида ўз атрофида бир қанча алоқадор субтерминларни мужассамлаштиради. Дейлик, «тозалаш аппаратураси» гуруҳига кирувчи «чангютгич» терминига шундай изоҳ бериш мумкин:



Сир эмаски, телевизион аппаратуралар ҳам бугунги кунда маиший турмушнинг ажралмас қисмига айланган. 1928-йилдан бошлаб «телеаппаратуралар» гуруҳи юзага келиб, инглиз тилида *camera*, *television* каби терминлар пайдо бўлди.

Бундан ташқари, «алоқа қурилмалари» гуруҳи ҳам йигирманчи асрда кескин ривожланиб борди ва соҳага тегишли бир қатор терминлар ҳосил бўлди:

*Radio phone* -радиотелефон

*Radio-phone* -радиотелефон

*Beeper* -нейджер

*Answering machine* -автоответчик

*Cordless phone set* -радиотелефон

*Pager* -нейджер

*Cellular phone* -уяли телефон

### *Cellphone -уяли телефон*

Ушбу мисоллардан кўриниб турубдики, инсоният кундалик турмушни турли қурилма ва воситаларни яратиш орқали осонлаштириш билангина эмас, балки уларни доимий тарзда такомиллаштириб ҳам борган.

Ўзбек тилига маиший техника воситаларини ифодаловчи илк терминлар ўн тўққизинчи асрдаёқ шаклланган бўлса-да, асосан фақатгина ўтган асрдагина жадаллик билан кўпая бошлади. Чунки 19-асрда хонликларнинг Европа мамлакатлари билан муносабати натижасида баъзи маиший техника терминлари тилимизга кириб келган. Бироқ, улар мазкур даврда концептуал шаклланиш босқичида бўлган холос.

Кўплаб маиший техника терминлари ўзбек тилига асосан рус тилидан кириб келган. Бунга сабаб бу каби техника воситалари иттифоқ даврида худудимизга олиб келинган. Шунинг учун ушбу тизимга оид терминларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда рус тили факторини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Дейлик, техник терминлогияда мустаҳкам ишлатиладиган «ключ» сўзи, барчага маълумки, бирор мосламаларни бир йўналишдан иккинчи йўналишга бураш орқали мустаҳкамлаш ёхуд очиш тушунчасини ифодалайди. Ушбу сўзни, фикримизча, ўзбек тилидаги муқобили «калит» сўзи билан таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки халқ тилида «ключ» сўзи мустаҳкам ўрин эгаллаб бўлган ва конкрет термин сифатида шаклланган. Шу сабаб уни айнан рус тилидаги ҳолатини сақлаган ҳолда ўзбек тилига таржима қилиш керак деб ўйлаймиз.

Ўзбек тилидаги маиший техника воситаларига оид терминларни шаклланишида турли факторлар сабаб бўлган. Шунингдек, уларни таржима қилишда, аксарият ҳолларда, рус тили манба вазифасини ўтаган. Шунинг учун баъзи терминларни таржима қилишда олимлар ўртасида уларнинг рус тилидаги шаклини сақлаш ёки ўзбек тилидаги янги термин билан ифодалаш борасида баҳсли ҳолатлар юзага келмоқда. Бироқ кўплаб ҳолларда турли

тушунмовчиликлар ёки дуаллик ҳолатининг олдини олиш мақсадида терминнинг рус тилидаги шаклини сақлаш маъқул кўрилмоқда (масалан, «ключ», «хладагент»).

Ўзбек тилидаги маиший техника терминларини ясашида, айниқса, бир қатор морфологик ва семантик тамойиллар катта рўл ўйнаган. Масалан, асли лотин тилига бориб тақалувчи инглиз тилидаги «-ion» ва «-tion» суффиксли сўзлар (*ventilation, amortization*) рус тилига «-ция» суффикси шаклида таржима қилинади (вентиляция, амортизация) ва ўзбек тилида ҳам айнан мана шу шакл сақлаб қолинади. Ёхуд бирор функция бажарувчисини ифодаловчи «-or, -er» (*refrigerator*) суффикслари рус тилига «-ник (холодильник) муқобили билан таржима қилинса, ўзбек тилига «-гич, -кич, -қич» суффикслари ёрдамида таржима қилинади (*совутгич, музлатгич, чангютгич*).

Инглиз тилида	Рус тилидаги	Ўзбек тилидаги
суффикс – -er, -or	семантик шакли	семантик шакли
Vacuum cleaner	Пылесос	Чангютгич
Refrigerator	Холодильник	Совутгич
Freezer	Морозильник	Музлатгич
Ionizer	Ионизатор	Ионизатор
Air-conditioner	Кондиционер воздуха	Ҳаво кондиционери
Mixer	Миксер	Миксер
Blender	Блендер	Блендер
Toaster	Тостер	Тостер
Cooler	Кулер	Кулер

Бироқ баъзи мустасно ҳолатларда терминнинг рус тилидаги шакли сақланади. Масалан, инглиз тилидаги *air-conditioner* термини рус тилига *кондиционер воздуха* шаклида таржима қилинади. Ўзбек тилида ҳам унинг айнан рус тилидаги шакли сақланади. Фақат *воздух* сўзининг ўзбек тилидаги

таржимаси (*ҳаво*) ўзгартирилади ва эгалик қўшимчаси қўшилади (*ҳаво кондиционер*).

Бугунги кунда маиший техника воситаларининг қатори кенгайганлиги сабабли ўзбек тилидаги мазкур тизим терминологиясида ҳам турли таржимага оид муаммолар юзага келмоқда. Чунки мазкур терминларни ўзбек тилидаги муқобилларини ўқувчига тушунарли ҳолатда таржима қилиш осон вазифа эмас.

Терминларни морфологик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- *бир компонентли;*
- *кўп компонентли;*
- *қисқартмалар*

**Биркомпонентли терминлар**, асосан, битта лексемадан иборат бўлади ҳамда битта аниқ маънони ифодалайди (*миксер, совутгич, филътр, қопча*). Бир компонентли терминлар кўп ҳолларда аффиксация услуби орқали ясалади ва унда турли сўз ясовчи қўшимчалар ўзакка боғланиб, турли терминлар ҳосил қилинади: *печ, тостер ва Ҳ.К.З.* Кўп ҳолларда бу каби терминлар аслиятига мувофиқ бошқа тилларга транслитерация ёрдамида таржима қилинади. Дейлик, «миксер» терминини ўзбек тилига «аралаштирувчи» деб таржима қилсак, унинг терминга хос қисқалик, тушунарлилиқ ва аниқлик хусусиятларини йўқотади.

**Кўп компонентли терминлар** бир нечта сўз ёки сўз бирикмаларидан ташкил топади. Гарчи бу каби терминлар бир нечта сўзлардан тузилган бўлса-да, улар аслида аниқ ва муайян тушунчани билдиради. Масалан, шундай терминларнинг бир қисми қўшма сўзлар ёрдамида ясалиши ҳам мумкин:

- *air-conditioner - ҳаво кондиционер*
- *washing machine – кир ювиш машинаси*
- *CD Player – CD плеер*

- *Cyclonic separation system* – Циклонли тақсимлаш тизими
- *Rechargeable battery* – қайта зарядланувчи аккумулятор

**Қисқартмалар** (аббревиатура) шаклидаги терминлар ҳам ушбу тизимда кўп учрайди. Айниқса «телевидео аппаратуралар» ёки «ошхона жиҳозлари» терминологик гуруҳларида қисқартмалар кўп фойдаланилади. Одатда уларнинг ёйилган шакли ифодаланмаса-да, терминларнинг билдираётган маъноси ўқувчига тушунарли бўлади. Шунингдек, баъзи ҳолатларда терминнинг аслиятдаги литерацион шакли ҳам сақланади:

*LCD -Liquid Crystal Display;*

*HD -High Definition;*

*TFT -Thin film transistor.*

*DTE -direct to edit)*

*HDMI -High-Definition Multimedia Interface*

Қисқартмалар баъзан тўлиқ сўз билан қўшилган тарзда ҳам келиши мумкин:

*Full HD;*

*BBQ grill;*

*Flatscreen TV;*

*F connector*

*CSI effect*

Шу каби қисқартмаларни таржима қилишда адекватлик қонуниятларига амал қилиш лозим бўлади. Негаки уларни нотўғри таржима қилиш таржимада жиддий камчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу терминологик тизимга оид атамаларни таржима қилиш вақтида таржимондан уларнинг денотатив маъносини англаш, таржима қилинаётган тилга адекват таржима қилиш талаб этилади.

«Маиший техника» терминологик тизимини таҳлил қилар эканмиз, унинг ўзбек атамашунослиги учун янги соҳалардан бири эканлигининг

гувоҳи бўламиз. Гарчи инглиз тилида мазкур тизим сезиларли даражада изга тушган бўлса-да, тизимдаги терминларни ўзбек тилига таржима қилиш масаласида етарлича муаммоларни кузатиш мумкин. Бироқ ушбу тизимнинг бугунги кундаги тараққиётини ҳисобга олган ҳолда унинг истиқболли такомилени инкор этмаслик, аксинча, тизимнинг терминологик кўламини кучайтиришга хизмат қилиш бугунги кун таржимонлари олдидаги муҳим ва аҳамиятли вазифалардан, деб ўйлаймиз.

## Биринчи боб бўйича хулоса

Ишимизнинг биринчи бобида терминнинг илмий-техник таржиманинг асоси сифатидаги аҳамияти ҳамда маиший техника терминологик тизимининг шаклланиши тўғрисида сўз юритилди. Таъкидлаш жоизки, термин илмий техник таржиманинг ядроси ҳисобланади. Терминология муайян фаннинг тушунчалари тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминлар жами сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизимлар фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Терминлар умумистемолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб уларнинг қўлланиши маълум даражада назорат остида бўлади. Бинобарин, терминлар синонимияси ва полисемияси тилда ижобий ҳодиса саналмайди.

Ўзбек тилшунослигида терминларни ўрганиш, уларни тартибга солиш, терминологик луғатлар тузиш каби чора тадбирлар XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошланган. Зеро, айрим лексикографик ишларни ҳисобламаганда, ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш, ҳозирги ўзбек тилшунослигининг фан сифатида юзага келиши ҳам шу даврдан бошланган. Албатта, терминларни ўрганиш эҳтиёжи ўз-ўзидан келиб чиққан эмас, барча билим соҳалари бўйича ўзбек тилида таълим беришни йўлга қўйиш билим соҳаларининг сезиларли даражада ривожлана бориши илмий тафаккур доирасининг кенгайиши собиқ иттифоқдаги миллий тиллар, жумладан ўзбек тили луғат таркибининг бойиб бориши, бинобарин тилда терминларнинг кўпайиб бориши уларни ҳар томонлама ўрганиш ва тартибга келтириш туртки бўлган эди. Бунга сабаб сифатида шунини айтишимиз мумкинки, термин илмий-техник соҳанинг ажралмас қисми бўлиб, унинг тараққиётини ҳам белгилаб беришда муҳим ўринни эгаллайди. Бундан ташқари терминлар илмий-техник таржиманинг тушунарли тарзда ифодаланишини ҳам таъминлаб беришга хизмат қилади. Шунинг учун термин маълум

терминологик тизим доирасида яхлит тизимга солиниши ва моносемик характер касб этиши талаб этилади.

Илмий-техник таржима, аниқки, турли белгиланган терминлар доирасида иш кўради. Чунки бу каби таржима тури ортиқча пафосдан холи бўлиши, нейтрал, шунингдек, тақдим этилаётган маълумотни моносемик термин ва атамалар ёрдамида узатилиши талаб этилади. Чунки техник таржимада асосий ўринни концепт эмас, балки аниқ, муайян, битта маъногагина эга бўлган ва маълум термин билан ифодаланувчи лексемалар эгаллайди. Баъзида бу каби матнларда сўз ва сўз бирикмалари ишлатилса-да, улар ҳам турғун шаклга эга бўлган ва битта тушунча ёки ҳолатни ифодалашга хизмат қилади. Бинобарин, сўз бирикмалари билан берилувчи тушунчалар инглиз тилида кўп кузатилади. Бу ҳолат албатта ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида юқори диққат ва таржимадаги аниқликни талаб қилади.

## II БОБ. МАИШИЙ ТЕХНИКА ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТАРЖИМА ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. Маиший техника терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг лексик, муаммолари

Сўнги йилларда маиший техника воситаларининг юртимиз маҳсулот бозорига кириб келиши ва уларнинг савдо суръати ўсиши, шунингдек, миллий маиший техник қурилмаларнинг ишлаб чиқарилиши натижасида шу каби матнларнинг ўзбек тилига таржима талаби кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Мазкур талабнинг ортиши баробарида тизимдаги терминларнинг инглиз/рус/хитой тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари ҳам таржимонлар олдида кўндаланг бўлиб, терминларнинг лексик, грамматик ва стилистик муаммолари оз бўлса-да ўз ечимини топиб бормоқда. Бироқ баъзи ҳолатларда тизимдаги терминларнинг ҳали ўзбек тилида абсолют тарзда шакланманганлиги, бундан ташқари, таржимонларнинг салоҳиятсизлиги оқибатида маиший техника терминларининг ўзбек тилидаги вариациялари кўпол равишда бузилмоқда ёки денотатив хусусиятлари ўзгартирилмоқда. Айниқса, бу каби муаммо ва камчиликларни маиший техника воситаларининг «Фойдаланиш йўриқномалари» ҳамда уларга тегишли баъзи ҳужжатларда учратиш мумкин.

Соҳага оид терминларнинг лингвистик ва таржима муаммоларини тадқиқ этган ҳолда уларни бир нечта таснифда келтиришни лозим деб топдик.


Маиший техника воситалари тизимида оид терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима муаммолари, айниқса, уларнинг лексик хусусиятларида яққол намоён бўлади. Чунки термин ўз шакли ва маъно хоссалари билан моносемантик лексема бўлиб, бир тилдан бошқа тилга айнан мазкур хусусиятли лексемалар билан таржима қилиниши лозим. Тизимдаги терминларнинг **лексик муаммолари** бир томондан ўзбек

тилидаги техник дефиницияларнинг тахчиллиги ортидан келиб чиқаётган бўлса, иккинчи томондан сунъий равишда ўйлаб топилаётган баъзи зўрма-зўраки терминлар бунга сабаб бўлмоқда. Мисол учун совутгичнинг асосий компонентларидан бўлган *refrigerant* термини баъзи фойдаланиш йўриқномалари ва қўлланмаларида *совутиш агенти* шаклида таржима қилинмоқда. Бирок, кўриб турганингиздек, ушбу термин зўрма-зўраки тарзда «кашф этилган». Ваҳоланки, ушбу терминнинг рус тилидаги муқобили *хладагент* атамаси ўзбек тилида ҳам *refrigerant* маъносини узатиш учун хизмат қилади.


Шу сингари тизимдаги терминларнинг тилимизга нотўғри таржима қилиниши ёки ўз маъносини қисман йўқотиши каби ҳолатларни бартараф этиш учун ўзбек тилидаги маиший техника терминологиясининг қатъий рўйхатини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тилига таржима қилинаётган маиший техникага доир терминларнинг хилма-хиллигини кўриш мақсадида совутгич фойдаланиш йўриқномасидан олинган баъзи мисолларда кўришимиз мумкин.

Совутгичга тегишли аксарият терминлар инглиз тилида аллақачон турғунлик касб этган бўлса-да, ўзбек тилидаги ҳали ушбу термин гуруҳига кирувчи сўзлар бир қадар барқарор эмас. Масалан, гуруҳдаги баъзи субтерминларнинг (улар гарчи термин вазифасини ўтаса ҳам, совутгич тизимида субтерминлар, яъни ушбу гуруҳнинг ажралмас компонентлари саналади) ўзбек тилидаги муқобиллари турғун эмас. Шунга қарамасдан, таржимонлар бу каби материалларни таржима қилишда адекват таржимани амалга оширишлари талаб этилади. Қуйидаги расмда совутгичга тегишли фойдаланувчи йўриқномасидан олинган маиший техника воситасининг қисмлари (бир вақтнинг ўзида субтерминлар) акс эттирилган.



Юқоридаги тасвирда совутгич қисмлари инглиз тилида акс эттирилган. Бунда биринчи бобда айтиб ўтганимиздек, совутгич маиший техника воситаларига тегишли термин бўлса, унинг қисмлари субтерминлар вазифасини бажаради.



Маълум бир маиший техника воситасига оид қисмлар ушбу таснифда субтермин ҳисобланса-да, бироқ уларни термин сифатида шаклланмаган атамалар деб қабул қилмаслик керак. Аксинча, улар термин сифатида тўлиқ шаклланган ва техниканинг умумий ва хусусий ҳолатини тасвирлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган субтерминларни ўзбек тилига таржима қилишда кўп ҳолларда барқарор эквивалентлардан фойдаланилмайди. Масалан, *freezer chamber* термини ўзбек тилига турлича таржима қилинади: *музхона камераси, музхона, муз хона, муз камераси*<sup>16</sup>. Назаримизда, ушбу ўринда *музхона* ёки *музхона камераси* тўғри муқобил саналади. Ёки *lamp* термини

<sup>16</sup> Ушбу мисоллар ARTEL фирмасида ишлаб чиқарилган совутгич бўйича турли фойдаланиш йўриқномаларидан олинган.

кўпинча ўзбек тилига *лампа, чирок, ёритиш мосламаси, ёритгич* сифатида таржима қилинмоқда. Бу ерда лампа ва чирок сўзлари атаманинг асл тилдаги маъносини адекват тарзда ифодалайди. Бундай мисолларни юқоридаги субтерминлар хусусида айтиб ўтиш мумкин.

Агар таржимонлар маълум бир маиший техника воситасига доир хужжатларни таржима қилганда унга доир субтерминлар кўламини атрофлича билишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

Эквивалентлар танлашдан ташқари ушбу тизимдаги терминларнинг калкаланган ҳолда фойдаланиш ҳам кўп учрайди. Чунки асл тилдаги термин таржима қилиниши керак бўлган тилга ҳам аллақачон сингиб бўлган ва унинг асл ҳолатидан фойдаланиш юқори самара бериши кузатилган. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз.



Замонавий телевизорларнинг ҳозирги кунда ажралмас бирлигига айланган LCD термини инглиз тилида «*liquid crystal display*» тарзида кенгайтирилади. Ўзбек тилида ушбу қисқартмани «*суюқ кристал экран/дисплей*» деб кейгайтириш мумкин. Шунда қисқартма ўзбек тилида «СКЭ» ёки «СКД» тарзида жаранглайди. Бироқ бу қисқартмалар ўзбек

тилида телевизорнинг ушбу хусусиятини ифодалашда ҳеч қандай маъно билдирмайди. Аммо LCD термини кўпчилик учун телевизорнинг айнан ушбу хусусиятини ифодалайди ва ўзбек тилида ҳам керакли мақсадда ишлатилиши мумкин.

Бугунги кунда телевизор термини гуруҳидаги субтерминлар кўлами ҳам салмоқли даражада ошиб кетди. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин.

Model	
LCD panel	LCD panel
Screen size, diagonal	Ekran kattaligi, diagonal
Response time	Reaksiya vaqti
Sound power	Ovoz balandligi
<b>Screen</b>	<b>Ekran</b>
Video format	Video formati
Brightness, cd/m <sup>2</sup>	Maydaligi
Contrast ratio	Yorqinligi, cd/m <sup>2</sup>
<b>DTV Tuner</b>	Kontrastligi
Built-in DTV tuner	Ichki qurilgan DTV-tyuner
DTV reception	DTV ni qabul qilish

Юқоридаги телевизор хусусиятлари ва параметрлари акс эттирилган жадвал миллий маиший техника ишлаб чиқарувчи компаниянинг сайтидан олинган. Қуйида келтирилган жадвалда ўзбек тилида терминларнинг ишлатилишини кўриш мумкин.

Мазкур жадвалда телевизорлар гуруҳига кирувчи субтерминларни инглиз тилидаги ва ўзбек тилидаги вариацияларини таққослаб кўриш орқали уларнинг қай даражада адекват таржима қилинганлигини баҳолаш мумкин<sup>17</sup>.

Масалан *Built-in DTV tuner* термини ўзбек тилига *Ichki qurilgan DTV-tyuner* тарзида таржима қилинган. Бироқ *qurilgan* сўзи мазкур хусусиятни аниқ ифодалай олмайди. Ушбу сўзнинг ўрнига созланган ёки ўрнатилган сўзларини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бинобарин, мазкур термин ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган. Чунки қурилган сўзи мазкур

<sup>17</sup> Ушбу жадваллар <http://artel.uz> сайтидан олинган.

ўринда созланган сўзи каби терминнинг адекват ҳолатини ифодалай олмайди.

Таржимада йўл қўйилган катта хатолардан бири *resolution* терминининг ўзбек тилига қилинган таржимасидир.

Мазкур жадвалда инглиз тилидаги бу термин *maydaligi* сўзи билан таржима қилинган. Бироқ бу ўринда мазкур сўз асл тилдаги терминнинг маъносини бутунлай билдира олмайди. Негаки *resolution* термини инглиз тилида экраннинг кўрсатиш аниқлиги даражасини маъносини билдиради. Бу ўринда экран аниқлиги сўзини қўллаш асл тилдаги терминнинг маъносини адекват тарзда ифодалаган бўларди.

Шу каби таржимадаги камчиликлар ва хатоларни олдини олиш учун тизимдаги терминларнинг лексик хусусиятларини тўғри англаш зарур. Терминнинг лексема шаклидаги семантик хусусиятларини қуйидагича ажратиш мумкин:

**а) Полисемия**

**б) Синонимия**

**в) Антонимия**

**г) Омонимия**

**д) Неологизмлар**

**Полисемиялар** тизимда термин сифатида ишлатиладиган лексемаларнинг тилдаги ҳолатини ифодалайди. Гарчи бунда лексема кўп маънолилиқ хусусиятига эга бўлса-да, тизимда муайян ва яхлит маънони билдиради: тутқич ( 1. бирор ускуна дастаси 2. Тутиладиган бирор мослама). Бироқ бу ерда фақат маиший техника воситасидаги маълум тутқич назарда тутилади.

*On the very top of the fridge, remove the two screws, from the old handle side.*

*Совутгичнинг устки қисмида жойлашган эски тутқич ўрнидаги шурупларни олиб ташланг*

**Синонимия** тизимдаги терминларни таржима қилишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки терминни таржима қилишда синонимлар орасида энг мосини танлаш таржиманинг адекватлигини таъминлайди: Масалан, инглиз тилидаги терминологик гуруҳга тегишли **power** сўзини ўзбек тилига қўйидагича таржима қилиш мумкин:

*а) электр токи*

*б) қувват*

*в) куч*

Бироқ тизимдаги мазкур сўзни таржима қилишда энг мос вариантни танлаш керак бўлади.

*Press power button on your TV to turn it on.*

*Телевизорни ишга тушириш учун унинг панелидаги қувват тугмасини босинг*

Кўриниб турганидек, бу ерда қувват сўзидан бошқа вариантлар мос келмайди ва таржимадаги тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

**Антонимия** ҳам лексемаларнинг семантик ҳолатини белгилашда асосий вазифалардан бирини бажаради. Тизимдаги антонимик семалар асосан аффикс ва суффикслар ёрдамида ифодаланади. Масалан инглиз тилида **re-** ва **de-** ёки **en-** ва **dis-** префикслари сўзнинг маъносини қарама-қарши томонга ўзгартиради.

*You can **disable** Sleep Mode by pressing Dis.Sl.Mode on your remote control.*

*Масофадан бошқариш пултида Dis.Sl.Mode тугмасини босиш орқали Уйқу режимини фаолсизлантиришингиз мумкин.*

ёки:

*You can **enable** Sleep Mode by pressing En.Sl.Mode on your remote control.*

*Масофадан бошқариш пултида En.Sl.Mode тугмасини босиш орқали Уйқу режимини фаоллантиришингиз мумкин.*

**Омонимия** ҳам лексемаларнинг семантик хусусиятларини белгилашда муҳим ҳисобланади. Маълумки, омонимия деб ёзилиши ва талаффузи бир хил ammo билдирадиган маъноси ҳар хил бўлган лексемаларга айтилади. Мисол учун ўзбек тилидаги даста сўзининг икки хил маъноси бор: 1. Даста – тутқич 2. Даста – йиғилган, қўлга сиғадиган боғлам. Бироқ маиший техника тизимида сўзнинг биринчи маъносини ишлатилади.

*Turn the knob to the leftside to adjust temperature*

*Ҳароратни ўзгартириш учун дастани чап томонга қараб буринг*

**Неологизмлар** бугунги кунда тизимни лексик жиҳатдан бойитаётган асосий омиллардан ҳисобланади. Айниқса, маиший техника воситалари тизимида унинг семантик ва морфологик аҳамияти сезиларли. Айниқса, кундан-кунга соҳада янги технологиялар кашф этилаётгани сабабли неологизмлар кўлами ҳам ортиб бормоқда:

*Smart TV – Смарт ТВ*

*Googlephone - Гуглофон*

*Internet - Интернет*

*Tablet - Планшет*

*Smartphone - Смартфон*

*HD TV - HD TV*

*Adapter - Адаптор*

*USB port - USB порт*

Неологизмлар кўплаб ҳолларда транслитерация воситасида бир тилдан бошқа тилга таржима қилинса-да, ўзбек тилида уларнинг баъзи ҳолларда оралиқ тилдаги варианты ишлатилади. Масалан, инглиз тилидаги баъзи неологизмлар рус тилидаги шакли билан қўлланилади.

инг: *Tablet* – рус: *Планшет*

Ушбу мисолда планшет неологизми ўзбек тилига сингиб кетганлиги учун таржимада ушбу неологизмдан фойдаланиш лозим бўлади. Тизимдаги терминлар инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида икки тилдаги лексемаларнинг лексик-семантик хусусиятларини яхши англаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Негаки терминнинг бирламчи ва асосий вазифаси унинг лексик шакли ва семантик когнитивлигида намоён бўлади.


Маиший техника терминларини, айниқса, улардан фойдаланиш йўриқномаларида кўп учратиш мумкин. Шу мақсадда бу каби ҳужжатларни таржима қилишда тизимдаги терминларни чуқур билиш талаб этилади.

### **Temperature setting for cold chamber**

When the cold chamber is opened, press key “A” once and the symbol 2 flickers. Press key “C” to set the temperature for cold chamber ranging from 2-8°C in circles; stop the key pressing for 2 Sec and new temperature setting is effective.

Таржимаси: *Совутиш камераси очилганда, “А” тугмасини бир марта боссангиз 2 рамзи милтиллайди. Совутиш камерасининг ҳароратини 2-8 °С даражада ўрнатиш учун “С” тугмасини босинг; Тугмани 2 сония мобайнида босиб туриш орқали янги ҳароратни ўрнатиш мумкин.*

Юқорида келтирилган матн совутгичга тегишли фойдаланиш йўриқномасидан олинган. Ушбу матнда бир қанча терминларни учратиш мумкин. Ушбу матнни таржима қилишда ўзбек тилида муқобилларнинг мос синонимларини танлаш зарур бўлади, албатта. Масалан, *chamber* сўзини ўзбек тилига фақатгина *камера* деб таржима қилиш лозим. Шунингдек, *temperature* (ҳарорат) термини билан бирга келган *setting* сўзини ўзбек тилига *ўрнатилиш* ёки *созлаш* деб таржима қилишимиз мумкин. Чунки мазкур термин ушбу сўз билан комбинациялашади. Ёхуд қуйидаги мисолга эътибор беринг:



Ушбу терминни таржима қилишда ўзбек тилидаги муқобилларнинг ўзига хос хусусиятларига гувоҳ бўлиш мумкин. *Hinge терминининг* ўзбек тилидаги шакли *ошиқ-мошиқ* бўлади. Шу типдаги терминлар ўзбек тилида узок давр мобайнида шаклланиб, тилнинг лексик кўламига мустаҳкам ўрнашган. Шу муносабат билан таржимада мазкур терминларни назардан четда қолдирмаслик лозим.

Шунингдек, қисқартмалар шаклида келувчи терминларни ҳам таржима қилинайтган тилдаги муқобиллари тўғрисида ҳам етарлича маълумотга эга бўлиш керак. Қуйидаги мисолга эътибор қаратинг.

*Please connect your air-conditioner to 220-250V AC.*

*Ҳаво кондиционеринингизни 220-250В ЎТ (ўзгарувчан ток) га уланг.*

Мазкур мисолда қисқартмаларнинг таржималари келтирилган. Маиший техника тизимидаги терминлар илмий-техник характерга эга бўлгани сабабли, тизимда кўплаб аббревиатураларни кузатиш мумкин.

Тизимдаги терминларнинг грамматик муаммолари икки тилнинг хусусиятларига боғлиқ. Мисол учун тиллардаги нисбат категориялари (Passive and Active Voices) ёки терминларнинг қайси мустақил сўз бирлиги вазифасида келганига қараб фарқланиши мумкин.

## **2.2. Маиший техника терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш турлари ва услублари**

«Ўзбек тилини изоҳли луғати»да (З.М.Маъруфов таҳрири остида, Т.,1981) «таржима» сўзи «бирор тилдан иккинчи бир тилга ағдарилган текст» деб таърифланади<sup>18</sup>. Ушбу таъриф ва мисолларда «таржима» сўзига «маълум бир жараён натижаси» сифатида қаралади. Буни «таржима» сўзининг биринчи маъноси деб ҳисобласак, иккинчи маъноси сифатида «таржима қилиш жараёнини» тушуниш мумкин. Албатта, ушбу жараёнда физиологик ва психологик томонлари ҳам мавжуд, аммо бизни бу томонлар эмас, балки фақат лингвистик, тилга оид томони қизиқтиради. Бошқача қилиб айтганда таржимага оид «жараён» ни биз соф лингвистик маънода, бирор матнни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, трансформация қилиш, ўзгартириш маъносида тушунамиз.

Таржима жараёнини биз юқорида бирор тилдаги матнни иккинчи бир тилдаги матнга трансформация қилиш, ўзгартириш деб таърифлаб ўтдик. Демак, таржима жараёнида албатта иккита матн мавжуд бўлади. Булардан биттаси бошланғич, дастлабки матн ҳисобланади ва иккинчи матнга боғлиқ

---

<sup>18</sup>З.М.Маъруфов. «Ўзбек тилини изоҳли луғати» Т.,1981

бўлмаган ҳолда яратилади. Иккинчи матн эса биринчи матн асосида маълум услубий-лисоний операциялар, ишлар бажариш йўли билан вужудга келади. Биринчи матн асл матн ёки оригинал нусха деб айтилса, иккинчи матн таржима матни ёки таржима деб аталади («таржима» сўзининг биринчи маъносида). Асл матн қайси тилда айтилган ёки ёзилган бўлса, ўша тилни асл матн тили (қисқартириб АМТ) деб атаймиз. Таржима матни қайси тилда яратилган бўлса, ўша тилга таржима тили (қисқартириб ТТ) деб ном қўямиз.

Маълумки, таржима жараёнида бирор тилдаги матнни иккинчи тилдаги хоҳлаган матн билан алмаштириб бўлмайди. Таржима жараёни ихтиёрий равишда эмас, балки маълум бир қоидалар асосида содир бўлади. Агар ушбу қоидаларга риоя қилинмаса, таржима ҳақида гапиришга ўрин қолмайди.

Асл матн тилидаги матнни таржима тилидаги матнга алмаштиришда маълум бир инвариант сақланиб қолиши шарт; ушбу инвариантнинг сақланиб қолиш даражаси таржима матнининг асл матнга нисбатан муқобиллик ёки адекватлик даражасини аниқланиб беради. Таржима жараёнида нима инвариант бўлиб сақланиб қолади?

Бу муаммони ечишда қуйидагиларни инобатга олиш керак.

Ҳар бир белгининг икки томони бўлади: шакл ва мазмун (маъно). Тил ўзига хос белгилар системаси бўлганлиги сабабли тил бирликлари ҳам икки томонга эга: ҳам шаклга, ҳам маънога. Бу борада таржима учун қуйидаги факт ҳал қилувчи роль ўйнайди: турли тиллар шакл жиҳатдан фарқ қилувчи, аммо маъно жиҳатдан бир хил бўлган тил бирликларига эга.

Маълумки, ҳар бир тил оғзаки ёки ёзма нутқ шаклида мавжуд бўлиши мумкин. АМТ ва ТТ нутқнинг қайси шаклида қўлланишига қараб проф. Л.С.Бархударов таржиманинг қуйидаги асосий турларини фарқ қилади<sup>19</sup>:

1) Ёзма-ёзма таржима, яъни ёзма матннинг ёзма таржимаси: иккала тил ҳам - АМТ ва ТТ - ёзма шаклда қўлланилади. Таржима турлари ичида бу одатда энг кўп қўлланиладиган таржима туридир. Таржиманинг бу турини

---

<sup>19</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод. М., 1975.

таржима қилинаётган матн характерига қараб, янада кичикроқ гуруҳларга бўлиш мумкин. Таниқли таржимашунос А.В.Фёдоров ушбу таржима турида куйидаги гуруҳларни фарқлайди<sup>20</sup>:

- а) ахборот матнлар, турли ҳужжатлар ва махсус илмий матнлар таржималари;
- б) ижтимоий-сиёсий, публицистик адабиётлар ва нотиклар нутқларининг таржимаси;
- в) бадиий адабиётлар таржимаси.

2) Оғзаки-оғзаки таржима, яъни оғзаки матннинг оғзаки таржимаси: иккала тил - АМТ ва ТТ - оғзаки шаклда қўлланилади. Ушбу таржима турида икки ҳил таржима мавжуд: кетма-кет таржима ва синхрон таржима. Кетма-кет таржима асл матндан (АМТдаги нутқдан) кейин - матн тўла ёки унинг айрим қисмлари айтилгандан кейин содир бўлади. Одатда тўхталиш бир неча гаплардан кейин содир бўлади, ҳар бир гапдан кейин тўхталиш эса камроқ учрайди. Синхрон таржима асл матн айтилаётган пайтнинг ўзида амалга оширилади. Аниқроқ қилиб айтганда, синхрон таржима асосан асл матн билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади, аммо нутқнинг айрим қисмларида синхрон таржима АМТ даги нутқдан биров (бир неча сўзгагина) орқада қолади, ёки АМТ даги нутққа нисбатан олдинга ўтиб кетади. Синхрон таржиманинг бундай олдинга ўтиб кетиши таржимоннинг ҳали айтилмаган нутқ қисмларини олдиндан пайқаб ола билиш қобилияти борлиги сабабли мумкин бўлиб қолади.

Оғзаки-оғзаки таржиманинг иккала хили ҳам – кетма-кет (бирин-кетин) ва синхрон таржима – ўзига хос психологик қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади: кетма-кет таржима таржимондан яхши машқ қилинган ва тез ишлайдиган хотирани талаб этади, синхрон таржимада эса бир пайтнинг

---

<sup>20</sup> Фёдоров А. В. Основы общей теории перевода. М.2002

узида эшитиб-гапириш кўникмаси биринчи ўринга чиқади. Синхрон таржима қила билиш учун махсус ва узоқ пайт давом этадиган машқлар бажарилиши лозим.

Лекин маиший техника терминлари матнларда ёзма йўриқнома шаклида бўлганлиги сабабли кўпроқ ёзма таржима туридан фойдаланилади. Маиший техника тизимидаги терминларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда ҳам лингвистик ва таржима қонуниятларига амал қилиш лозим. Бошқа услубдаги лексемалардан фарқли ўлароқ, терминларни таржима қилишда юксак эътибор ва аниқлик талаб этилади.

Ушбу таржима турларини амалга ошириш мақсадида бир нечта таржима услублари қўлланилади. Таржима муқобиллигига (адекватлигига) эришиш учун таржимон турли-туман тиллараро ўзгартиришлар - таржимонлик трансформацияларини – бажара олиши керак. Албатта, бундай ўзгартиришлар маълум бир мақсадни кўзлаб бажарилади, яъни, асл матндаги барча ахборотларни таржима матнида иложи борича тўлиқ бериш мақсадида. Бу жараёнда таржима матни тилининг нормаларига тўла риоя қилиш керак.

Терминлар маълум лексик birlik бўлганлиги боис уларни таржима қилишда таржима усулларидан фойдаланиш бир қадар чекланган бўлади. Яъни таржимон уларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда фақатгина лексик эквивалентлардан фойдаланади. Тизимдаги терминларни таржима қилишда бир қатор турли таржима услубларидан фойдаланилади.

***Антонимик таржима.*** Антонимик таржима бу таржима жараёнида кенг қўлланиладиган комплекс лексик–грамматик алмаштирувдир. Бунда тасдиқ грамматик конструкция инкор грамматик конструкцияга, ёки аксинча, инкор конструкция тасдиқ конструкцияга алмаштирилади. Шу билан бирга асл матндаги бирор сўз таржима тилида унинг антонимига алмаштирилади (одатда «антоним» сўзи бир тилнинг сўзларига нисбатан қўлланилади; биз эса бу ерда «антоним» сўзини икки тилнинг – асл матн

тили ва таржима тилининг маънолари қарама -қарши бўлган сўзларни ифодалаш учун қўллаймиз).

***Unplug refrigerator or disconnect refrigerator from power supply before you remove the bulb.***

***Лампани ечишдан олдин совутгич қувват манбаидан узилган бўлиши лозим.***

Юқоридаги мисолда Un- ва Dis- инкор қўшимчали сўзлар қатнашган бўлсада, ўзбек тилига улар шарт майлида таржима қилинган. Яъни таржимада инкор шакли қатнашмаган бўлса-да, маъно сақланган. Бошқа мисол:

***WARNING – Do not damage the refrigerant circuit.***

***ОГОҲЛАНТИРИШ – хладагент схемасини тўғри сақланг***

Антонимик таржима услуби кўп ҳолларда терминнинг маъносини аниқ ва қисқа ифодалашда кўл келади.

Ўзлашма қатлам сўзларидан фойдаланиш, назаримизда, тизимдаги терминларни таржима қилишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бинобарин маиший техника соҳаси инновациялар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун унга тегишли терминлар ҳам янгилик яратилган тил ҳосил қилинади ва бошқа тилларга кўпинча айнан шу шаклда кўчирилади (*тостер, грилл, блендер, радио, телефон, фильтр ва ҳ.к.з.*). Ушбу сўзлар транслитерация ва транскрипция усуллари ёрдамида ўзбек тилига ўзлаштирилган.

Сўнгги йиллардаги кузатишлар (реклама материаллари ва фойдаланиш йўриқномалари мисолида) маиший техника тизимига тегишли тилимизга ўзлашган сўзлар кўлами сезиларли даражада ортиб бормоқда. Бунга сабаб соҳадаги инновациялар аксарият ҳолларда инглиз тилида номланишидир.

Мисол учун, тилимизга инглиз тилидан ўзлашган smart (инглизча «ақлли») сўзи билан боғлиқ атамалар кўпайиб бормоқда: *смартфон*, *смарт печ*, *смарт ТВ* ва бошқалар. Ушбу сўз инглиз тилида асосий маъноси доирасидан чиқиб, техникага оид инновацион имкониятларни билдирувчи терминга айланди.



Айтиш жоизки, мазкур термин бугунги кунда инновацион маиший техника воситаларининг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда.



Айниқса, смартфон ёрдамида ушбу маиший воситаларни бошқариш имконияти яратилгандан кейин мазкур тушунча янада кенгайди. Бундан

ташқари, тилимизга соҳада кашф этилаётган янги воситаларнинг номида ҳам кўриш мумкин.

1. Read all instructions carefully before using the 6 speed blender<sup>21</sup>

*6 даражали тезликдаги блендердан фойдаланишдан олдин кўрсатмаларни диққат билан ўқиб чиқинг*

Грамматик жиҳатдан бу гап асл тил ва таржима тилида буйруқ майлида келиб, унда 6 speed blender термини иштирок этган. Ушбу термин кўп компонентли тузилишга эга бўлиб, уни ўзбек тилига таржима қилишда 2 та услубдан фойдаланилган: 1.Блендер сўзи транслитерация услубида ўзлаштирилган. 2. Кўп компонентли термин тасвирлаш таржима услуби ёрдамида ўзбек тилига таржима қилинган.

*1. HDMI 1.3 interface for digital audio and high-definition video<sup>22</sup>*

*HDMI 1.3 рақамли аудио ва юқори аниқликдаги видеога мўлжалланган интерфейс.*

2. *Do not use abrasive cleaners*

*Абразив тозалаш воситаларидан фойдаланманг.*

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, ўзлашма қатламдаги барча терминлар ҳам транслитерация қилинмайди. Чунки уларнинг кўпчилиги маълум бренд ёки термин сифатида бошқа тилларга ўз шаклича кириб борган (HD, HDMI, MHL). Тизимдаги ўзбек тилига ўзлашган сўзлар юқорида маълум бўлганидек транслитерация усули ёрдамида ўзбек тилига кириб келган. Таржимонлар улардан фойдаланиш вақтида мазкур график омилларни назардан четда қолдирмасликлари лозим. Чунки ўқувчига асл шаклида таниш бўлган атамалар транслитерация қилинган, ўз тушунчасини

<sup>21</sup> [http://www.rivalproducts.com/manuals/MANUALS/DC-TB170\\_43\\_53854668.PDF](http://www.rivalproducts.com/manuals/MANUALS/DC-TB170_43_53854668.PDF)

<sup>22</sup> <http://www.wdc.com/wdproducts/library/UM/ENG/4779-705025.pdf>

йўқотиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бинобарин, тезкор инновациялар тараққиёти даврида бу каби терминологик қўлланишлар катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга ўзлашган терминларнинг таржима тилидаги транслитерация услубларини ўз ўрнида тўғри қўллай билиш керак.

**Сўзма-сўз таржима.** Терминлар ягона муайян маъно билдиргани сабабли кўп вазиятларда сўзма-сўз таржимадан фойдаланиш мумкин. Чунки бошқа сегментдаги лексемалардан фарқли тарзда техник терминларни таржима қилишда таржима тилида ушбу услубдан фойдаланиш яхши самара беради. Сўзма-сўз таржима услубида тилдаги эквивалентлар танланиб, термин бошқа тилга таржима қилинади.

1. *Make sure the bulb is actually burned out*<sup>23</sup>

*Лампа куймаганлигига ишонч ҳосил қилинг.*

Юқоридаги мисолда икки тилдаги тушунчалар мослиги сўзма-сўз таржиманинг тўғри чиқишини таъминлаган (*bulb – лампа*). Шу билан бирга икки тилда ҳам *куймоқ* иборасининг мослиги таржимада акс этган. Янада тўлиқроқ тушунча ҳосил қилиш учун қуйидига тасвир эътибор қаратамиз.

Ушбу таржима услубида икки хил таржима шаклини белгилаб ўтиш ўринли. Негаки инглиз тилида барча терминлар ҳам тўғридан-тўғри ўзбек тилига таржима қилинмайди. Балки бирор бошқа тил воситасида таржима қилиниши ҳам мумкин. Фанда таржиманинг бевосита ва билвосита турлари ҳам фарқ қилинади. Агар таржима тўғридан-тўғри асл нусха тилидан бажарилган бўлса, бундай таржима бевосита таржима деб аталади. Таржима асл нусхадан эмас, балки бошқа бир тил орқали қилинган бўлса, бундай таржимага билвосита таржима дейилади.

---

<sup>23</sup> [http://www.ehow.com/m/how\\_2074307\\_replace-oven-light.html](http://www.ehow.com/m/how_2074307_replace-oven-light.html)

**Бевосита таржима:**

*Use the iron only for its intended purpose, for ironing fabrics on board.*

*Дазмол фақатгина белгиланган мақсадда, газламаларни дазмоллаш учун фойдаланинг.*


Ушбу мисолда *iron* сўзи ўзбек тилига бевосита асл тилдан таржима қилинган.

**Билвосита таржима:**

*This microwave oven should not be used for commercial catering purposes.*

*Ушбу микротўлқинли печдан умумий овқатлмниш тижорати мақсадида фойдаланиши мумкин эмас.*

Юқоридаги мисолда инглизча *oven* сўзини ўзбек тилига рус тилидаги *печ* сўзи ёрдамида таржима қилинган. Яъни бунда рус тилидан тилимизга ўзлашган сўз инглиз тилидаги терминнинг маъносини ифодалашда хизмат қилган. Бу каби ҳолатларни айниқса маълум терминологик гуруҳидаги субтерминлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввалги бобда муайян маиший техника воситасига тегишли атамаларни шартли равишда «субтерминлар» деб номлаган эдик. Демак, маиший техника воситасини ташкил этувчи лексемаларни ҳам субтерминларга киритишимиз мумкин.



Юқоридаги терминларни ўзбек тилига таржима қилганда сўзма-сўз таржима услубидан фойдаланилади ва бунда бевосита ва билвосита таржима усулларининг мисолларини ҳам кўришимиз ва қатнашган терминларни қуйидагича таҳлил қилишимиз мумкин.

*Wave guide* – Тўлқин тақсимловчи = Бевосита таржима

*Magnetron* – Магнетрон = Ўзлашган лексема

*Oven Chamber* – Печ камера = Билвосита таржима (ўзлашган лексема)

*Control circuit* – Назорат панели = Бевосита таржима + ўзлашган лексема

*Transformer* – Трансформатор = Ўзлашган лексема (Билвосита таржима)

*Power* – қувват = Бевосита таржима

Ёки бошқа мисол учун кейинги расмда ифодаланган кир ювиш машинасининг назорат панелига эътибор беринг. Назорат панелидаги техник терминлар маиший техника воситасининг эргономик ҳолатини билдиради.



Ушбу мисолдаги деярли барча лексемалар термин вазифасини бажаради ва таржима жараёнида алоҳида ёндашувни талаб этади.

Массачутсес технология университетининг тадқиқотларида техник йўналишдаги таржималарни техник таржима машиналарида бажариш услуби тавсия этилган. Бироқ маиший техника воситаларини ишлаб чиқарувчи ширкатлар хавфсизлик мақсадларида бу каби фаолиятга йўл қўйишлари мушкул.

## Иккинчи боб бўйича хулоса

Ишимизнинг иккинчи боби маиший техника воситаларига оид терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима муаммолари ва услубларига бағишланди. Ушбу тизимга тегишли терминологик қатлам сўнгги йилларда инновацион технология ва маиший техник воситаларнинг кашф этилиши натижасида янада кенгаймоқда. Табиийки, ушбу воситаларга доир терминларни ҳам ўзбек тилига таржима қилиш эҳтиёжи ҳам параллел тарзда ортиб бормоқда.

Маиший техника воситаларининг фойдаланиш йўриқномалари ва уларнинг маркетинг материалларида уларнинг ўзбек тилидаги вариацияларини мунтазам учратамиз. Бироқ ушбу тизимга оид терминларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари мавжуд эмаслиги ёки рус тили орқали билвосита таржимадан фойдаланиши соҳадаги терминологик қатламнинг тилимизда ҳали етарлича такомиллашмаганлигидан далолат беради. Ишимизнинг асли мазмун моҳияти ҳам шу сингари муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ва уларнинг ечимини ўрганишдан иборатдир.

Иккинчи бобда тизимдаги терминларнинг лексик муаммоларини кенг тарзда ёритишга ҳаракат қилдик. Термин муайян лексик бирлик сифатида моносемантик хусусиятга эга бўлганлиги сабабли унинг лексик жиҳатларини ёритиш бирламчи вазифа ҳисобланади. Бинобарин ҳам бир термин аниқ, белгиланган маънони англатади ва турли соҳаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Мазкур тизимдаги матнларнинг таржимасида аксарият муаммолар терминологик қатлам билан боғлиқ бўлганлиги боис терминларнинг лексико-семантик қирраларини атрофлича ўрганиш талаб этилади.

Терминларнинг таржима муаммоларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг таржима услубларини ҳам бир қадар ёритишга интилдик. Негаки адекват таржимага эришиш учун таржима услубларини ҳам яхши билиш лозимдир. Маиший техника терминларининг таржима қилишда сўзма-сўз таржима, ўзлашма қатлам, антонимик таржима каби турларини фарқладик.

Тизимдаги терминларнинг лексик муаммоларини аниқлашда ўзбек тилига таржима қилинган маҳсулотга тегишли фойдаланиш йўриқномалари ва онлайн интернет йўриқномалар базасидан мисоллар келтирдик. Шу билан бирга юртимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситаларининг маркетинг материалларини ҳам қисман қамраб олишга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишимизнинг иккинчи бобида биринчи бобда айтиб ўтилган назарий фикрларнинг амалий муммолари ва ечимлари аниқ мисоллар орқали ёритилди.

## Умумий хулоса

Бугунги глобаллашув шароитида бошқа чет эл брендлари маҳсулотларининг экспорт даражаси ҳам кенгайиб, маиший техника воситаларига тегишли атама ва терминларнинг бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш жараёни ҳам такомиллашмоқда. Хусусан, бу соҳада инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинаётган материаллар кўлами ҳам сўнгги ўн йилликда сезиларли даражада ортиб бормоқда. Сабаби истеъмолчиларга тақдим этилаётган маҳсулотларга тегишли ҳужжатлар қонунчиликка биноан албатта миллий тилда ҳам ифодаланиши талаб этилади. Ушбу жараён такомиллашгани сари маиший техника соҳасидаги терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржимаси ҳам ўз ечимини топиб, ривожланиб бормоқда.

Ушбу тадқиқот ишида маиший техника терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари ва услубларини аниқлаш, соҳадаги терминологик қатламнинг қамров даражасини ўрганиш, соҳадаги терминларнинг ўзига хос хусусиятлари, ономастик ва лингвистик жиҳатлари, шунингдек, уларнинг транскрипцион ва транслитерацион белгилари тадқиқ этилди. Лингвистик ва экстралингвистик омиллар асосидаги икки тил доирасида «маиший техника» тизимидаги терминлари қиёсий жиҳатдан таҳлил этилди. Шунингдек, ишда тизимдаги термин ва субтерминларнинг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари ўрганилди. Ишнинг натижалари мазкур соҳадаги терминларни гуруҳлаш, уларни мавзули системаларга ажратиш, яхлит терминларни аниқлашга имкон беради. Шунингдек, ишнинг натижалари тизимнинг кейинги ривожланиш босқичларини янада аниқроқ прогноз қилишга туртки беради.

Бундан ташқари, ўзбек тилида қиёсий жиҳатдан ўрганилган мазкур терминологик тизим таржима назарияси асослари учун ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Ишнинг натижалари бугунги кунда ҳали такомиллашмаган «маиший техника» тизимидаги терминларни инглиз

тилидан ўзбек тилига таржима қилишга имкон беради, уларнинг самарали ва аниқ тарзда ишлатилишига замин яратади. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишида келтирилган терминлар лексикографик мақсадларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ишнинг биринчи бобида терминнинг илмий-техник таржиманинг асоси сифатидаги аҳамияти ҳамда маиший техника терминологик тизимининг шаклланиши тўғрисида сўз юритилди. Таъкидлаш жоизки, термин илмий техник таржиманинг ядроси ҳисобланади. Терминология муайян фаннинг тушунчалари тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминлар жами сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизимлар фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Терминлар умумистемолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб уларнинг қўлланиши маълум даражада назорат остида бўлади. Бинобарин, терминлар синонимияси ва полисемияси тилда ижобий ҳодиса саналмайди.

Ўзбек тилшунослигида терминларни ўрганиш, уларни тартибга солиш, терминологик луғатлар тузиш каби чора тадбирлар XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошланган. Зеро, айрим лексикографик ишларни ҳисобламаганда, ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш, ҳозирги ўзбек тилшунослигининг фан сифатида юзага келиши ҳам шу даврдан бошланган. Албатта, терминларни ўрганиш эҳтиёжи ўз-ўзидан келиб чиққан эмас, барча билим соҳалари бўйича ўзбек тилида таълим беришни йўлга қўйиш билим соҳаларининг сезиларли даражада ривожлана бориши илмий тафаккур доирасининг кенгайиши собиқ иттифоқдаги миллий тиллар, жумладан ўзбек тили луғат таркибининг бойиб бориши, бинобарин тилда терминларнинг кўпайиб бориши уларни ҳар томонлама ўрганиш ва тартибга келтириш туртки бўлган эди. Бунга сабаб сифатида шунини айтишимиз мумкинки, термин илмий-техник соҳанинг ажралмас қисми бўлиб, унинг тараққиётини ҳам белгилаб беришда муҳим ўринни эгаллайди. Бундан ташқари терминлар

илмий-техник таржиманинг тушунарли тарзда ифодаланишини ҳам таъминлаб беришга хизмат қилади. Шунинг учун термин маълум терминологик тизим доирасида яхлит тизимга солиниши ва моносемик характер касб этиши талаб этилади.

Илмий-техник таржима, аниқки, турли белгиланган терминлар доирасида иш кўради. Чунки бу каби таржима тури ортиқча пафосдан холи бўлиши, нейтрал, шунингдек, тақдим этилаётган маълумотни моносемик термин ва атамалар ёрдамида узатиши талаб этилади. Чунки техник таржимада асосий ўринни концепт эмас, балки аниқ, муайян, битта маъногагина эга бўлган ва маълум термин билан ифодаланувчи лексемалар эгаллайди. Баъзида бу каби матнларда сўз ва сўз бирикмалари ишлатилса-да, улар ҳам турғун шаклга эга бўлган ва битта тушунча ёки ҳолатни ифодалашга хизмат қилади. Бинобарин, сўз бирикмалари билан берилувчи тушунчалар инглиз тилида кўп кузатилади. Бу ҳолат албатта ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида юқори диққат ва таржимадига аниқликни талаб қилади.

Ишнинг иккинчи боби маиший техника воситаларига оид терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима муаммолари ва услубларига бағишланди. Ушбу тизимга тегишли терминологик қатлам сўнгги йилларда инновацион технология ва маиший техник воситаларнинг кашф этилиши натижасида янада кенгаймоқда. Табиийки, ушбу воситаларга доир терминларни ҳам ўзбек тилига таржима қилиш эҳтиёжи ҳам параллел тарзда ортиб бормоқда.

Маиший техника воситаларининг фойдаланиш йўриқномалари ва уларнинг маркетинг материалларида уларнинг ўзбек тилидаги вариацияларини мунтазам учратамиз. Бироқ ушбу тизимга оид терминларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари мавжуд эмаслиги ёки рус тили орқали билвосита таржимадан фойдаланиши соҳадаги терминологик қатламнинг тилимизда ҳали етарлича такомиллашмаганлигидан далолат

беради. Ишимизнинг асли мазмун моҳияти ҳам шу сингари муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ва уларнинг ечимини ўрганишдан иборатдир.

Иккинчи бобда тизимдаги терминларнинг лексик муаммолари кенг тарзда ёритишга ҳаракат қилдик. Термин муайян лексик бирлик сифатида моносемантик хусусиятга эга бўлганлиги сабабли унинг лексик жиҳатларини ёритиш бирламчи вазифа ҳисобланади. Бинобарин ҳам бир термин аниқ, белгиланган маънони англатади ва турли соҳаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Мазкур тизимдаги матнларнинг таржимасида аксарият муаммолар терминологик қатлам билан боғлиқ бўлганлиги боис терминларнинг лексико-семантик қирраларини атрофлича ўрганиш талаб этилади.

Терминларнинг таржима муаммоларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг таржима услубларини ҳам бир қадар ёритишга интилдик. Негаки адекват таржимага эришиш учун таржима услубларини ҳам яхши билиш лозимдир. Маиший техника терминларининг таржима қилишда сўзма-сўз таржима, ўзлашма қатлам, антонимик таржима каби турларини фарқладик.

Тизимдаги терминларнинг лексик муаммоларини аниқлашда ўзбек тилига таржима қилинган маҳсулотга тегишли фойдаланиш йўриқномалари ва онлайн интернет йўриқномалар базасидан мисоллар келтирдик. Шу билан бирга юртимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситаларининг маркетинг материалларини ҳам қисман камраб олишга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишимизнинг иккинчи бобида биринчи бобда айтиб ўтилган назарий фикрларнинг амалий муммолари ва ечимлари аниқ мисоллар орқали ёритилди. Ўйлаймизки, ишнинг натижалари ушбу тизим терминологик кўламидаги терминларни таржима қилишда назарий ва амалий тарафдан самарали бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. 2010. 174 б.
2. Аллаёрова Р. Р. Таржима назарияси ва амалиёти фанидан маъруза матн. Урганч. 2008 й. -20 б.
3. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. — М. Советская Энциклопедия, 1968.- 240 с.
4. Богданов В. В. Текст и текстовое общение. СПб. 1993. Б. 5-6.
5. Бархударов Л.С. Язык и перевод. М., 1975. -240 с.
6. Винокур Г. О. (1939) О некоторых явления словообразования в русской технической терминологии // История отечественного терминоведения: классики терминоведения. — М., 1994. -284 с.
7. Г.Хакен. «Синергетика» Москва. 1980. -388 с.
8. Гладкая Н. М. Лингвистическая природа и стилистические функции профессиональных жаргонизмов прессы (на материале прессы ГДР и коммунистической прессы ФРГ и Австрии). Автореф. дисс. канд. филол. наук. — Москва, 1977. -236 с.
9. Гринев С. В. (1993) Введение в терминоведение. — М. Московский Лицей, 1993. -287 с.
10. Гринев-Гриневиц. С. В. Терминоведение: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. -М. Издательский центр Академия, 2008. -300 с.
11. Гринев С. В. Исторический систематизированный словарь терминов терминоведения (учебное пособие). 2-е изд. — М., 2001. -186 с.
12. Гринев С. В. Основы лексикографического описания терминосистем: Дис. док. филол. наук. — М., 1990. -436 с.
13. Гринев-Гриневиц С. В. Гринева В. П., Минкова Л. П., Скопюк Т. Г. Указатель диссертаций по терминоведению. М-Белосток, 2006. - 384 с.

14. Гринев-Гриневиц. С. В. Введение в терминографию: Как просто и легко составить словарь. Учебное пособие. Изд. 3-е, доп. — М., Книжный дом Либроком, 2009. -224 с.
15. Ивина. Л.В. Лингво-когнитивные основы анализа отраслевых терминосистем. М. 2003. -302 с.
16. Канделаки Т. Л. Значения терминов и системы значений научно-технических терминологий // Проблемы языка науки и техники. Логические, лингвистические и историко-научные аспекты терминологии. — Москва, Наука, 1970. -243 с.
17. Комиссаров В.Н. Теоретические методики обучения переводу. М. 1997. - 206 с.
18. Комиссаров В.Н. Слово о переводе. М. 1973. -215 с.
19. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. М. 2002. -424 с.
20. Корнилова О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. М. 2003. -349 с.
21. Кузьмин Н. П. Нормативная и ненормативная специальная лексика // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. — М, 1970. -200 с.
22. Латышев Л.К. Курс перевода. М. 1986. -140 с.
23. Лейчик В. М. Некоторые вопросы упорядочения, стандартизации и использования научно-технической терминологии // Термин и слово. — Горький, 1981. -340 с.
24. Лосева Л. М. Как строится текст. М., 1980 с.4
25. Львовская З. Д. Теоретические проблемы перевода. М., 1985. -232 с.
26. Маслов Ю. С. Введение в языкознание. М. 1975. -272 с.
27. Марчук Ю.Н. Методы моделирования перевода. М. 1985. -202 с.
28. Марчук Ю.Н. Проблемы машинного перевода. М. 1983. -233 с.
29. Маъруфов. З.М. Ўзбек тилини изоҳли луғати Т.1981. -715 б.

30. Миньяр-Белоручев Р.К. Записи в последовательном переводе. М. 1997. - 173 с.
31. Миньяр-Белоручев Р.К. Теория и методы перевода. М. 1996. -207 с.
32. Мирам Г. Профессия: переводчик. Киев, 1999. -160 с.
33. Нелюбин Л.Л. Перевод и прикладная лингвистика. М. 1983. -208 с.
34. Нелюбин Л.Л. Толковый переводоведческий словарь. М. Флинта – Наука, 2003. -320 с.
35. Носенко И.А., Горбунова Е.В. Пособие по переводу научно-технической литературы с английского языка на русский. М. 1974. -152 с.
36. Панов Д.Ю. Автоматический перевод. М. 1956. -76 с.
37. Парахина А.В. Пособие по переводу технических текстов с английского языка на русский. М. 1982. -191 с.
38. Петренко И.С. Сопоставительный анализ формирования терминологии бытовой техники в лингвокультурологическом аспекте. Автореферат. Москва 2008. -245 с.
39. Пумпянский А.Л. Введение в практику перевода научной и технической литературы на английский язык. М. 1981. -304 с.
40. Пьянкова Т.М. Пособие по переводу полиэквивалентных терминов на английский язык. М. 1973. -218 с.
41. Реформатский А. А. Введение в языковедение. - М. 1996. -536 с.
42. Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. М. 1974. -216 с.
43. Рябцева Н.К. Информационные процессы и машинный перевод. М. 1986. -168 с.
44. Рябцева Н.К. Научная речь на английском языке. Руководство по научному изложению. М. 1999. -600 с.
45. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. Т. 1983. -160 б.
46. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Т. 1978. -160 б.
47. Смирницкий. А.И.Морфология английского языка/ Под ред. В. В. Пассека. М.: ИЛ. 1959. -234 с.

48. Скворцов Л. И. Профессиональные языки, жаргоны и культура речи // Русская речь. — Вып.1. 1972. -247 с.
49. Стрелковский Г.М. Латышев Л.К. Научно-технический перевод. М. 1980. -356 с.
50. Судовцев В.А. Научно-техническа информация перевод. М. 1989. -231 с.
51. Сыроваткин С.Н. Теория перевода в аспекте функциональной лингвистики. Калинин. 1978. -84 с.
52. Таирбеков Б.Г. Философские проблемы науки о переводе. Баку.1974. - 275 с.
53. Тюленев С.В. Теория перевода. Москва: Гардарики. 2004. -336 с.
54. Федоров А. В. Основы общей теории перевода. М. 2002.- 320 с.
55. Федоров В.А., Введение в теорию перевода М. 1958. -376 с.
56. Флорин, С. Муки переводческие: практика перевода / С.Флорин. — М. Высшая школа. 1983. -213 с.
57. Швейцер А. Д. Перевод и лингвистика. - М. 1973. -280 с.
58. Alan Duff. Translation. Oxford University press. 1972. -134 p.
59. Alan Duff. Translation II. Oxford University press. 1972. -135 p.
60. Amosova N.N. English Contextology. L. 1968. -106 p.
61. Bartlett F. Remembering. A Study in Experimental Social. 1980. -230 p.
62. Psychology. Cambridge: Cambridge University Press. 1932. -317 p.
63. Barantsev C.T. English Lexicology in Practice. Kiev. 1954. -216 p.
64. Buranov J, Muminov.A.A Practical Course in English Lexicology.1990. 163 b.
65. Burchfield R.W. The English Language. Lnd. 1985. -232 p.
66. Catford I.C. F Linguistic Theory of Translation. L.N.Y. 1996. -320 p.
67. Hawkins, Dell.Consumer Behaviour Dell H, Roger Best.1995. -230 p.
68. Kenneth Coney - Richard Irwin Inc. 1995. -650 p.
69. Language Transfer Cross – Linguistic Influence in Language Learning.1989. -210 p.

70. Cambridge University Press. 1993. -181 p.
71. Levitskaya T.R, Fiterman A.M. The Problems of Translation on the Material of the Contemporary English Language. M. 1974. -320 p.
72. Muminov A. Lexicology of the English Language. Tashkent. 2008. 160 b.
73. Newmark, Peter 1988. A Textbook of Translation, New York & London: Prentice Hall. 1988. -304 p.
74. Nikolayeva G. The Newcomer, F. L. P. H., Moscow, 1955.- 45 p.
75. Nida.E. Towards a science of translation. Leiden. 1964. -218 p.
76. Nida.E. Linguistics and Ethnology in Translation Problems. Language Structure and Translation. Atanford. 1975. -230 p.
77. Peter Newmark. Approaches to Translation. London. 1981. -324 p.
78. Roger. N. Bell. Translation and Translating. Theory and Practice. London, New York. 1995. -342 p.
79. Shvaytser A.D. Translation and Linguistics. M. 1973. -300 p.
80. Sonneveld, H, Loenning, K. 1994: Introducing Terminology, in Terminology. 1994. -258 p.
81. Wright, S.E. Budin, G. 1997 Handbook of Terminology Management, Volume 1, Basic Aspects of Terminology. 1997. -265 p.
82. <http://www.ziyonet.uz/ru/>
83. <http://mexus.ru/osnovy-psiholingvist041.html>
84. <http://www.dissercat.com/content.tekst>
85. <http://psyfactor.org/lib/copywriting.html>
86. [https://en.wikipedia.org/wiki/Television\\_set](https://en.wikipedia.org/wiki/Television_set)
87. [www.theactorscircle.com/OnSetTerminology.pdf](http://www.theactorscircle.com/OnSetTerminology.pdf)
88. [www.homedepot.com/Appliances/](http://www.homedepot.com/Appliances/)
89. <http://en.wikipedia.org/wiki/Oven>
90. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Терминоведение>
91. <http://ru.wikipedia.org/w/index/холодильник>

## Глоссарий

English	Русский	Ўзбек
DVD-player	dvd-плеер	dvd-плеер
TV set	телевизор	телевизор
coffee maker	кофеварка	кофеварка
deep fryer	фритюрница	фритюрница
dishwasher	посудомоечная машина	идиш ювадиган машина
electric kettle	электрочайник	электр-чайнак
electric radiator	электрообогреватель	электр-радиатор
electric shaver	электробритва	электр-устара
electric stove	электрплита	электр-плита
gas stove	газовая плита	газ-плита
hairdryer	фен	фен
iron	утюг	дазмол
microwave	микроволновая печь	микротўлқинли печ
mixer	миксер	миксер
oven	духовка	духовка
phone	телефон	телефон
refrigerator	холодильник	совутгич
sewing machine	швейная машина	тикув машинаси
stereo system	стереосистема	стереотизим
tape recorder	магнитофон	магнитофон
vacuum cleaner	пылесос	чангютгич
toaster	тостер	тостер
air-conditioner	кондиционер воздуха	хаво кондиционери

burner	конфорка	конфорка
gas control	газ контроль	газ назорати
blender	блендер	блендер
freezer	морозильник	музлатгич
compressor	компрессор	компрессор
thermoelectric cooling	термоэлектрическое охлаждение	термоэлектрик совутиш
vortex tube	вихревая труба	айланиш қувури
refrigerant	хладагент	хладагент
washing machine	стиральная машина	Қир ювиш машинаси
movie projector	кинопроектор	кинопроектор
ignition	розжиг	ёқиш
natural gas	природный газ	Табиий газ
propane	пропан	пропан
liquefied gas	сжиженный газ	суюлтирилган газ
mator	матор	матор

pump	насос	насос
pump	насос	насос
expansion valve	расширительный клапан	кенгайтирувчи клапан
fan	вентилятор	вентилятор
condenser	конденсатор	конденсатор
blower	воздуходувка	ҳаво пуркагич
monoblock	моноблок	моноблок
spin	вращение	айланиш
rinsing	полоскание	чайқаш
front-loading	фронтальная загрузка	олд тарафдан юклаш
filtration	фильтрация	фильтрлаш
dusting brush	щетка для пыли	Тозалаш чўтқаси
airflow	воздушный поток	Ҳаво оқими
dustbag	мешок для пыли	чангқопча
power	мощность	қувват
hose	шланг	шланг
cord	шнур	шнур
drum	барабан	барабан

pneumatic	ВОЗДУШ НЫЙ	ҳаволи
suction	ВСАСЫВ ание	ютиш
thermostat	термостат	термостат
nozzle	насадка	насадка
color television	цветной телевизор	Рангли телевизор
plasma	плазма	плазма
bluetooth	Bluetooth	Bluetooth
antenna	антенна	антенна
tuner	тюнер	тюнер
radio frequency	радиочастота	радиочастота
digital	цифровой	рақамли
teletext	телетекст	телематн
home theater	домашний кинотеатр	Уй кинотеатри

